

علم اہل گانشیں بربر مسلمان اوچون ورضدور

السلام



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал 10-сон Рамазон





رمضان كريم

Рамазон тубофак бўлсин азиз дин қардошлар!

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.


Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Мусаввир: Беҳзод Вафоев



www.islom.uz

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.
Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад



МАРҲАБО, МОҲИ РАМАЗОН!

Ойларнинг саййиди, султони, покловчиси, баракотлиси ва энг фазилатлиси Рамазони шариф ташриф буюрмоқда. Бу ой шу билан мусулмонларга ардоқлики, унда инсоният ҳаётининг илоҳий дастури бўлмиш Қуръони карим нозил этилган. Ушбу ойда бир кеча – Қадр кечаси борки, у фазилати жиҳатидан минг ойга татийди. Бу ой раҳмат, мағфират, дўзахдан паноҳланиш, Қуръонни хатм қилиш оидидир. Бу ойда тутиладиган рўза жисмларимизнинг закотиридир, сабри-мизнинг имтиҳонидир, мукофотини фақат Аллоҳнинг Ўзи беришга ваъда қилган ибодатимиздир. Абу Зарр Фифорийдан (розияллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Инсонлар агар Рамазон ойидаги ажр-мукофотлар, савоблар, неъматлар ва раҳматларни билишса эди, Рамазоннинг йил бўйи давом этишини истаган бўлишар эди”, деганлар.

Аммо, минг афсуски, кўпларимиз ушбу ойнинг шаънига номуносиб, ҳатто уни таҳқирловчи қилмишларимиздан қутула олмаётимиз, яъни Рамазоннинг ҳурматини жойига қўя олмаёпмиз. Рамазон кунларида шаҳар кўчаларидан бораётган рўзадор “Кеп қолинг барра кабобларга, заказной сомсаларга!” деган чорловларга нима деб жавоб қайтаришга ҳайрон бўлади. Баъзи фаросатсиз сотувчиларнинг молини ўтказиш учун “Мана бунини еб кўринг, мазасини тотиб кўринг” дея таклиф қилишлари дилни оғритади. Тоғни урса талқон қиладиган “мусулмонлар”нинг ошхоналарда, одамлар кўз ўнгига таом еб ўтиришлари, тамаки тутатишлари рўзадорларга бироз малол келади. Бу, Рамазонда барча тамаддихоналар ёпилсин, дегани эмас. Чунки рўза тутолмайдиган узрлилар бор, рўза тутмайдиган бошқа диндагилар бор. Аммо аксари халқи мусулмон бўлган юртда рўзадорнинг эътиқодини ҳурмат қилишни ҳеч ким тақиқлаган эмас!

Кўпгина хорижий юртларда, ҳатто мусулмонлар озчиликини ташкил этадиган ўлкаларда Рамазон ойи ва рўзадорларни ўзгача эъозлашади. Оврупа мамлакатларининг айримларида аҳли китоблар кўчага ўйнагани чиқаётган болаларининг қўлига емак беришмайди... Аҳолисининг аксари қисми ғайримуслим бўлган Ҳиндистонда рўзадорларга малол келмасин деб кундузи ошхоналарнинг деразаларига парда тутиб қўйишган. Кўпгина мамлакатларда емакхонлар кундузи беркитилиб, фақат ифторлик ва саҳарлик пайтидагина очиқ бўлади.

Дилни оғритадиган яна бир неча нохуш ҳолатлар бор. Рамазон ойида майхўрликнинг тўхтатилмаётгани шулардан биридир. Бу фазилатли ойда ароқхўрлик қилаётганлар ичида мусулмонларнинг ҳам борлиги айниқса қаттиқ кулфатдир. Энг ачинарлиси, бундай шаробхўрлик базмлари бу ойда “ифторлик” номи билан ўтказилмоқда. Ҳатто баъзи ифторликларда маҳалла кексалари алоҳида ўтқазилиб, улфат ва ҳамкасбларга солинган дастурхонга чойнақда ароқ тортилмоқда. Айримларнинг кундузи кўчада маст ҳолда гандираклаб юришлари, бир ҳамкасбимнинг зорланишича, Қадр кечаси юқори қаватдаги қўшнисининг туғилган кунни “нишонлаб”, эрталабгача дупур-дупур рақс тушиб чиқишгани тўқима гаплар эмас!

Шу ойнинг фазилатидан кўплаб юртларда (жумладан Ўзбекистонимизда ҳам) мусулмонларнинг саховат ва ҳимматлари жўш уриши, етим-есир, бева-бечоралар, фақир-мискинлар учун ифторликлар уюштирилиши, бозор ва дўконлардаги нарх-навони пасайтирилиши, инфоқ-эхсон қилиш, садақа ва хайрияларни кўпайтириш каби савобли ишларнинг кучайишини кузатиш мумкин. Аммо баъзи ноинсоф “тижоратчилар”нинг очкўзлиги туфайли айнан Рамазон ойида озик-овқат маҳсулотлари нархининг одатдагидан кўтарилиб кетиши кузатиляпти, савдода алдов ва ёлғонлар, ўлчовдан уриб қолишлар камаймаётганга ўхшаяпти.

Яна бир гап. Рамазонда ихтиёрий оч қолишнинг ҳикмати Аллоҳга бандаликни, итоатни изҳор этиш, оч-ночорларнинг ҳолини англаш, ҳавойи нафсни синдириш, шайтонга қаҳр кўрсатишдир. Аммо ифторлик, саҳарлик дастурхонларимизнинг кўриниши бунинг аксини исботламоқда. Буларда тортилаётган тўрт-беш хил мазали таомлар, тузалган турли пишириқлар, турфа анвойи мевалар (ўзимизники қолиб, ҳатто хориждан келтирилган ананас, банан, киви кабилар ҳам дастурхонга тортилмоқда), қанд-қурс, pista-бодомлар, хулласи кундузи ейишдан тийилиб юришнинг ҳиссасини ифторлик ва саҳарликда бир неча баробар қилиб қоплаб олиш рўза ҳикмати, нафс тарбиясига мос келармикин?

Рамазон шундай ойки, уни чинакам тақво, ҳолис ибодатлар билан, Аллоҳга қўлликда ўтказиш орқалигина унинг шарафини сақлаган, мусулмонлик бурчимизни оқлаган бўламиз. Барча мусулмонларимизга ушбу ойни Аллоҳ буюрганидай чиройли ўтказиш насиб этсин! Рамазон ойингиз муборак бўлсин!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз. Саноқли кунларда. Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саногини бошқа кунлардан тутати. Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир. Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, бу ўзи учун яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутмогингиз сиз учун яхшидир. Рамазон ойида одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуруқондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб Қуръон туширилгандир. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саногини бошқа кунларда тутати. Аллоҳ сизларга осонликни истайди ва сизларга қийинликни истамайди. Саноқни мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз” (Бақара, 183-185).

“СИЗЛАРГА РЎЗА ФАРЗ қилинди”

Бу ояти каримани ҳам Аллоҳ таоло: «Эй иймон келтирганлар!» деб мўминларга маҳбуб нидо билан бошламоқда. Мухим ва машаққатли ишни таклиф қилишдан олдин ўзи яхши кўрган ва унинг учун ҳар қандай машаққатни ҳам бўйнига олишга тайёр турган сифатни эслаб қилинган нидо эшитувчида бўлажак ишга ғайрат билан киришиш руҳини уйғотади. Аллоҳ таоло ҳам мусулмонларга рўзанинг фарзлигини амр этишдан олдин уларга: «Эй иймон келтирганлар!» деб нидо қилмоқда.

Оятнинг маъносидан келиб чиқиб, рўза янги ибодат эмаслигини, балки барча динларда қадимдан бор ибодат эканини тушунамиз. Чунки унда: «Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди», дейилмоқда.

Динлар тарихини ўрганиб чиққан уламоларнинг таъкидлашларича, барча динларда, ҳатто илоҳий бўлмаган динларда ҳам рўза ибодати бор бўлган. Лекин уни адо этиш турлича эди. Баъзи динларда маълум овқатлардангина ўзини тийиб юриш рўза деб тушунилади. Мисол учун, насороларда ҳайвондан чиққан озуқа маҳсулотларидан ўзини тийиб юриш рўза дейилади. Улардаги рўзанинг муддати қирк кун бўлади. Насронийларнинг турли мазҳабларида рўза турличадир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾
أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامُ مِسْكِينٍ فَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ. وَأَن تَصُومُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْءَانُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَى مَا هَدَيْتُكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾

Исломдаги рўза ҳақиқий илоҳий маънони касб этган ибодатдир. Рўза араб тилида «совм» дейилиб, луғатда «ўзини тийиш» деган маънони билдиради. Шариатда эса Рамазон ойида тонг отгандан кўёш ботгунча ният билан, ейиш-ичишдан ва шахвоний амаллардан ўзини тийиб туришга айтилади. Ояти кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло: «Шоядки, тақво қилсангиз», деб, рўзадан кўзланган асосий мақсадни ҳам баён қилиб қўймоқда. Демак, рўза ҳам тақво йўлларида биттаси экан. Рўза тутган шахснинг қалбида тақво руҳи уйғониши керак. Агар ким рўза тутсаю, қалбида тақво ҳисси уйғонмаса, у одам ҳақиқий рўза тутмаган бўлади. Рўза ҳавойи нафснинг ноўрин истакларини йўлга солишга, тўғрилашга, шахватни жиловлашга, қорин талабларини ҳам изга солишга хизмат қилади. Рўза нафс балосидан қутулиб, Аллоҳнинг тоатига холис ажраб чиқишга ёрдам беради. Ким иймон ва эътиқод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани «тақво» деб номланувчи икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади.

Бу ояти каримада рўза фарз қилинганининг хабари келди. Аввалги умматларда йил бўйи, ярим йил рўза тутишлар ҳам бўлгани учун эшитувчида «Рўзанинг муддати қанча?» деган савол туғилади. Келаси оят шу саволга жавоб беради: яъни рўза фарз қилинган кунлар «саноқли кунлар»дир.



Рўза тутишнинг ўзига яраша машаққати бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло беморлик ва мусофирлик туфайли бир оз қийинчиликда турган бандаларига машаққат устига машаққат бўлмасин деб, енгиллик берди: «Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунларда тутати». Яъни бемор тузалгандан сўнг, мусофир сафардан қайтгандан сўнг неча кунни тутмаган бўлса, ўшанча кун қазо рўза тутати. Уламоларимиз беморлар сафига ҳомиладор ва эмизадиган аёлларни ҳам қўшганлар. Ҳомиладор аёл неча кун рўза тутмаган бўлса, туққанидан кейин шунча кун қазо рўза тутати. Эмизадиган аёл ҳам боласини кўкракдан ажратганидан сўнг қазо рўза тутати.

«Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир». Яъни ёшлари улғў бўлиб, рўза тутишга ярамай қолган кишилар тутилмаган ҳар бир кунлик рўза ўрнига бир мискинни тўдирадидлар. Бу эса ўзи яшаб турган диёрнинг ўртача таоми ҳисобида бўлади. Бунини «фидя бериш» дейилади. Уламоларимиз ушбу тоифага тузалмайдиган, сурункали касали бор кишиларни ҳам қўшганлар. Уларнинг касаллари рўза тутишга қўймайди. Қазосини тутати, дейилса, тузалишларидан умид йўқ.

«Ким яхшиликни ўз ихтиёри ила қилса, бу ўзи учун яхшидир». Ким савобни кўпроқ оламан, деб бир кишига эмас, икки-уч кишига ёки ўртача эмас, олий даражадаги таомларни берса, ўзи учун яхшидир.

«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир». Бошқа ибодатлар каби, рўза ҳам, аввало, бу ибодатни адо этувчи шахсларга яхшилик келтиради. Жаннатга кириш, олий мақомларга эришиш, ироданинг кучли бўлиши, раҳм-шафқат сифатининг кучайиши, тақво ҳиссининг уйғониши, соғлиқ ва саломатлик ҳамда бошқа кўплаб биз билган-билмаган яхшиликларга рўза тутиш орқали эришилади.

Келгуси оятда юқорида зикр қилинган «санокли кунлар»нинг вақти тайин қилинади ва ўша вақтнинг фазли ҳамда рўзанинг бошқа ҳукмлари баён этилади.

Аввалги оятда рўза «санокли кунлар» фарз қилингани айтилган эди, бу оятда ўша «санокли кунлар «Рамазон ойи» экани баён қилиняпти. Айни чоғда, Рамазон ойининг фазли ҳам зикр этиляпти.

«Рамазон ойида одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқарондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон туширилгандир». Рамазон ойи йил ичидаги энг афзал ой ҳисобланади. Унинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар, улғў уламоларнинг сўзлари, мадҳлар, шеърлар айтилган, китоблар битилган. Лекин бу ҳақдаги таърифларнинг гултожиси Роббил Оламиннинг Ўз каломида айтган мадҳидир. Бу

мадҳ турли оятларда келган. Ушбу оятдаги таъриф Рамазони шарифнинг энг улкан фазилатлари ҳақидадир. Яъни: «...унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқарондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон туширилгандир».

Аллоҳ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, қиёматгача инсониятга ҳидоят бўладиган китоби – Қуръони каримни тушириш вақти қилиб Рамазони шариф ойини ихтиёр қилганининг ўзи бу ойнинг фазилатини юксакка кўтарган. Энди эса нур устига нур, фазилат устига фазилат қўшиб, рўза ибодатини ҳам шу Рамазон ойида тутишни фарз қилмоқда.

«Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин». Ким ушбу Рамазон ойига соғ-саломат етса, Рамазоннинг янги ойи шохиди бўлса ёки Рамазон ойи бошланганининг хабари унга етса, рўзасини тутсин. Бу фармон умумийдир, лекин одамларда «Янги, умумий фармон бўлди, ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма рўза тутиши фарз экан» деган фикр пайдо бўлмасин учун ушбу ҳукмдан истисно қилинганлар яна бир бор зикр этилмоқда: «Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунларда тутати». Сўнгга рўза тутиш фарзига муҳаббатни ошириш учун: «Аллоҳ сизларга осонликни истайди ва сизларга қийинликни истамайди», дейди.

Доимо бандаларга енгилликни хоҳлаш ва уларни оғир машаққатли таклиф остида қолдирмаслик Ислом динининг асосий ва улкан қоидадир. Ислом шариати осонликка бино қилинган. Набий алайҳиссалом саҳобалардан Муъоз ибн Жабал ва Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳумоларни Яманга юбораётиб, «Башоратли сўзлар айтишлар, нафрат қўзғатадиганини айтманглар, енгиллаштиринглар, қийинлаштирманглар», деганлар.

Ушбу рўза тутиш ибодатида ҳам Аллоҳ таоло енгиллик йўлини тутганини эслатмоқда. «Рўза тутиш ҳаммага фарз», деса, Аллоҳнинг ҳаққи бор, ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Аммо У меҳрибон Зот «Бемор ва мусофирлар ўз вақтида тутмасалар майли, кейин тутиб берадилар», деди. Шунингдек, муддатни бир ой эмас, икки, уч, балки ундан ҳам кўпроқ ойлари фарз қилса бўларди. Бир ойнигина фарз қилиши ҳам енгилликдир. Аллоҳ таоло амр қилган ибодатни сўзсиз бажариш ҳар бир банданинг бурчидир. «Нима учун? Фойдаси борми? Бўлса, нимада?» каби саволларни беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзан иймон қувватланиши учун, илоҳий фармонларнинг мўъжизакорлигини тасдиқлаш учун баъзи маълумотлар зикр қилинади. Қуръон, Ислом, рўза каби ҳақиқатлардан беҳабар ёки хабардор бўлса ҳам, бу ҳақиқатларни қайсарлик ила тан олмай келаётган ҳатто ғайридин тиб олимлари ҳам узоқ илмий изланишлари, тажрибалари давомида динимиз буюрган амалларнинг инсон ҳаёти учун нақадар фойда эканини билвосита тасдиқламоқдалар. Жумладан, улар ҳар бир инсон соғ-саломат бўлиши учун бир йилда ҳеч бўлмаса, бир ой ихтиёрий оч қолиши керак, деган хулосага келдилар.

Узр сабабли рўза тутмаганлар ажру савобдан бебаҳра қолмасинлар деб, Аллоҳ таоло рўзанинг қазосини тутишни жорий қилди. Рўза тутиш ибодати Аллоҳни улуғлаш, унга шукр келтиришга арзийдиган ибодатдир.

«Санокли мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз». Ҳа, Исломдаги ибодатларни фарз қилиб, бандалик бурчини адо этишга, гуноҳларни ювишга, ажр-савоб олишга шароит яратиб берган Аллоҳ таолони тинмай улуғлаб, унга доимо шукр қилиш керак. Ҳар бир фарз ибодат бандада Аллоҳ бошлаган ҳидоятнинг қадрига етиш ҳиссини кучайтириши керак.

(«Тафсири Ҳилол», 1-жилд).

РЎЗА АЛЛОҲ УЧУНДИР!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим берурман, деди. Рўза сақловчидир. Қачон қайси бирингиз рўзадор бўлса, фаҳшдан гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўқишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, мен рўзадорман, десин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандлик бордир. У иккисини ҳам яшагай. Қачон ифтор қилса, хурсанд бўлгай ва қачон Роббисига мулоқот бўлганда, рўзаси ила хурсанд бўлгай», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилишган). Бошқа бир ривоятда: «Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (Одам боласи) шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилур», деди» дейилган.

Шарҳ: Бу ривоятда ҳадиси қудсий билан ҳадиси шариф аралаш ҳолда келмоқда.

Аллоҳ таоло номидан айтилган сўзлар ҳадиси қудсий ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларидан айтилгани ҳадиси шарифдир.

Аввало, ҳадиси қудсий келмоқда: «Аллоҳ таоло Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман», деди».

Демак, инсоннинг рўзадан бошқа ҳамма қилган амали ўзи учун бўлади. Фақатгина тутган рўзаси Аллоҳ учундир. Буни қандоқ тушуниш мумкин? Жавоби куйидагича: Рўзадан бошқа ҳамма амалларда амал қилувчи хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам бир оз хўжакўрсинлик, ўзгаларнинг ҳаваси, мақтови, обрў-эътибор пайдо бўлади. Мисол учун, намоз ўқиган одам таҳорат қилганида, намозга жой танлаганида ва ниҳоят намоз ўқиётганида бошқалар кўради. Бу одам намоз учун таҳорат қилмоқда, бу одам намоз учун жой танламоқда, бу одам намоз ўқимоқда, яхши одам экан, деган фикр хаёлидан ўтиб, унга ҳурмат-эътибор билан қарайди. Шунга ўхшаб, закот берганида ҳар қанча яширса ҳам ҳеч бўлмаганда закотни олган киши билиб, ҳаққига дуо қилади. Ҳажга борганида эса, умуман, шов-шув бўлиб кетади. Қайтганидан сўнг гуруҳ-гуруҳ кишилар зиёратига келади. «ҳожии ака» ёки «ҳожии она» деган ном билан чақирилади.

Рўзада эса, бу нарсаларнинг бирортаси йўқ, кечаси ҳеч ким кўрмайдиган вақтда саҳарлик қилади. Кундузи эса ҳамма баробар юраверади. Ифтор вақти кираётганда ҳам, ҳеч бир гувоҳсиз ёлғиз ўзи қолганида ҳам рўзадор Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб, оғзини очиб юбормайди. Ана шуларнинг ҳаммаси рўза Аллоҳ учун тутилишининг белгисидир.

Шунинг учун ҳам ёлғиз Аллоҳ учун бўлган ибодатнинг мукофотини Аллоҳ таоло Ўзи билиб беришга ваъда қилмоқда. Бу ҳақиқатни яна ҳам тўлиқ тушуниб олишимизга бошқа бир ривоятдан келтирилган қўшимча ёрдам беради.



«Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Фақат рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (одам боласи) шахвати ва таомини мен учун тарк қилур», деди».

Демак, рўзадан ўзга амалларнинг савоби қай миқдорда кўпайтириб берилиши белгили. Бир савоб бериладиган амалнинг савоби ўн мартадан то етти юз мартагача кўпайтирилиши мумкин. Аммо ундан ортиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шу билан бирга, рўза учун бериладиган савобнинг кўпайиши шунчаларки, уни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди, идрок ҳам қила олмайди. Рўздорнинг амали бунчалар юқори баҳоланишининг сабаби у фақат Аллоҳ таоло учун таоми ва шахватини тарк қилиб, рўза тутганидандир.

Ушбу ривоятнинг ҳадис қисмида эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзанинг фазилатлари ҳақида ва рўздор ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида сўз юритадилар.

1. «Рўза сақловчидир». Рўзанинг сақловчилиги умумийдир. У рўздорни турли ёмон ишлардан, гуноҳлардан, касалликлардан, ахлоқсизликлардан сақлайди, энг муҳими, дўзахга тушишдан сақлайди.

2. «Қачон қайси бирингиз рўздор бўлса, фаҳш-дан гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин». Фаҳш, уятсиз сўзларни гапириш мусулмон одамга мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, бақир-чақир қилиш ҳам. Мусулмон рўздор бўлганида унинг обрў-эътибори яна ҳам ошади. Унинг рўза ила берк оғзидан ҳеч бир беҳуда, номаъқул сўз чиқмаслиги керак. Айниқса, фаҳш сўзлар, сўкиш, ғазаб ила содир бўладиган бақир-чақирлар умуман, чиқмаслиги керак. Агар рўздорнинг ихтиёридан ташқари, бошқа бировлар уни бақир-чақирга мажбур қилса ҳам, ундан сақланиб қолиш йўли бор.

3. «Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, мен рўздорман, десин». Шу орқали ўзининг сўкишиши ва уришиши мумкин эмаслигини ўзига ҳам, ўзига ҳам эслатсин. Рўзанинг ҳурматидан сўкишни ва уришишни тарк қилсин. Бу нақадар юксак одоб! Бу нақадар олийжаноблик!

Дарҳақиқат, Аллоҳга ибодат қилиш учун, Аллоҳнинг фарз қилган рўзасини тутиш учун беркитилган оғиздан фаҳш сўзлар, сўкишлар, бақир-чақирлар чиқиши асло тўғри эмас. Бундай оғиздан доимо яхши, гўзал ва фойдали сўзлар чиқиши керак.

4. «Мухаммаднинг жони қўлида бўлган зот ила қасамки, албатта, рўздор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир». Маълумки, овқат егандан сўнг маълум вақт ўтиб, таом ҳазм бўлиш жараёнида оғиздан ҳид чиқади. Одатда ўша ҳид нохуш, кишилар ёқтирмайдиган ҳид бўлади. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рўздорнинг оғзидан чиқадиган, арабчада «халуф» деб номланадиган ўша ҳид Аллоҳнинг ҳузурида мушку анбарнинг ҳидидан ҳам афзал эканини қасам ила таъкидламоқдалар. Бу рўзанинг фазли қанчалар улў эканини кўрсатади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларини фуқоҳоларимиз яхши ўрганиб, рўздор киши пешиндан кейин мисвок қилмаслиги керак, мабодо у мисвок қилиб оғзини тозаласа, ўша мушку анбардан ҳам хушбўйроқ бўлган ҳид кетиб қолади, дейишган.

5. «Рўздорга икки хурсандлик бордир, у иккисини ҳам яшагай». 1. Ифтор қилганида хурсанд бўлади. 2. Кейин Роббиси ила мулоқотга юзланганда рўзасидан хурсанд бўлади. Демак, мазкур икки хурсандлик фақат рўза тутган кишилар учунгина бўлади. Бу ҳам рўзанинг буюк фазилатларидандир.

Дарҳақиқат, кун бўйи рўза тутиб, вақти келганида ифтор қилган инсон ўта хурсанд бўлади. Аллоҳ амр қилган ибодатни адо этганидан, ҳадсиз-ҳисобсиз савобларга эга бўлганидан, охиратиға замин тайёрлаганидан хурсанд бўлади. Очлик, ташналиқдан сўнг ҳалол таомга етишганидан хурсанд бўлади. Бундай хурсандлик, албатта, фақат рўза тутган кишигагина насиб этади. Охиратда эса, Аллоҳ ила мулоқот бўлганда тутган рўзаси учун жаннатга киритилганидан хурсанд бўлади. Рўза тутмагани учун дўзахга тушиши вожиб кишилар қандай ҳам хурсанд бўлсалар?!.

Демак, ҳаётимизда ушбу ҳадиси шарифга ҳеч оғишмай амал қилиш лозим. Токи Роббимиз бизга фарз қилган рўзани беҳато тутайлик. Рўздор кишининг одоблари ила одобланайлик. Ана шунда ҳадисда ваъда қилинган мартабаларга сазовор бўлурмиз, иншааллоҳ.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 9-жилд).

РЎЗА ҚАНДАЙ ИБОДАТ?

Рамазоннинг биринчи куни: милодий 624 йили 26 февралда (ҳижрий 2 йил) мусулмонлар ilk бор рамазон рўзасини тута бошлашди

РАМАЗОН ОЙИДА БЎЛГАН МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Рўза дастлаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларидан кейин орадан бир ярим йил ўтгач фарз бўлди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай хабар қилади: «Эй иймон келтирган бандалар, сиздан олдинги умматларга фарз қилинганидек, рўза сизларга ҳам фарз қилинди. Шоядки, сизлар шу санокли рўза кунларида Аллоҳдан қўриқиб, гуноҳ ишлардан қайтиб, Унинг буйруқларига бўйсуниб, тақводор бўлсангизлар» (Бақара, 183).

Араб тилидаги «совм» (рўза) луғатда «ўзни тийиш» деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса муборак рамазон ойида тонг отганидан то кўёш ботгунча ният билан овқат емаслик, ичимликлар ичмаслик, жинсий яқинлик қилмаслик «рўза» дейилади. Рўза тутиш Исломи динининг беш рукни (асоси)дан биридир, Қуръон ва Суннат билан собит бўлган.

Рўза ақли расо, соғлиғи яхши бўлган ҳар бир мусулмон эркакка, ҳайз ва нифосдан пок бўлган мусулмон аёлларга фарз қилинган. Ҳайз ва нифос кўрган аёллар рўза тутишмайди, кейин қазосини тутиб беришади. Рамазон рўзасининг асосий шартларидан янги ойни кўриб рўза тутиш ва рўзага ният қилишдир. Рамазон ойида ношаръий амаллар қилмаслик, тилни ғийбат, ёлғон сўзлардан тийиш, ўзгага озор бермаслик, яхши хулқли ва раҳм-шафқатли бўлиш рўза одобларидандир.

Фарз рўза – Қуръони карим, Суннати набавийя ва ижмоъ билан фарзлиги исбот қилинган, рамазон ойида тутила-диган рўза.

Қазо рўза – рамазон ойида узрли сабабларга кўра рўза тута олинмаган кунларни бошқа ойларида тутиб бериш. Аллоҳ таоло: «Сизлардан ким ка-

сал бўлса ёки мусофирчиликда бўлса, рўзани бошқа кунлари тутиб беради», деган.

Назр рўза – Аллоҳга яқинлик қилиш мақсадида инсоннинг ўз зиммасига вожиб қилган рўза. Мусулмон одам неча кун рўза тутишни назр қилган бўлса, унга шунча кун рўза тутиш вожибдир. Чунки Аллоҳ таоло: «Назрларига вафо қилсинлар», деб ваъдага вафо қилишга буюрган.

Каффорот рўза – рамазон ойида кундуз куни қасддан хотини билан яқинлик қилган ёки озукалангани учун тутиладиган рўза.

Нафл рўза – мусулмон одам Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш мақсадида тутадиган, аммо вожиб бўлмаган рўза. Бундай рўзани тутиш баъзи кунлари мустаҳаб, баъзи кунлари макруҳ, баъзи кунлари эса мамнӯдир. Изоҳ: ҳожилардан бошқалар учун арафа куни, ашуро куни, шаввол ойдан олти кун, ҳар ойнинг 13, 14 ва 15-кунлари, ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза тутилади. Икки ҳайит кунлари, шак кунлари, ташриқ кунларидан уч кун, эри ёнида бўлган хотиннинг эр рухсатисиз рўза тутиши мамнӯ ҳисобланади.

Рўза Аллоҳ таолога муҳаббат ва ихлос белгиси сифатида (ҳаргиз соғлиқни тиклаш ва шунга ўхшаш бошқа ниятда эмас) бажарилади, уни Аллоҳдан (азза ва жалла) ўзга ҳеч ким кўрмайди, қай даражада бажарилаётганини фақатгина Унинг Ўзи билади. Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийларда бундай марҳамат қилган: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен Ўзим бераман»; «У (одам боласи) шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилур». Аллоҳ таоло учун

тутилган рўзада банда Парвардигор Ўзи кўриб турганини ҳис қилиб, рўзани бузмайди. Шунинг учун ҳам рамазони шарифда кўнгилда рўза тутишни қасд қилган киши саҳарликдан кейин: «Навайту ан асума шаҳро рамазона минал фажри илал мағриби холисан лиллаҳи таоло. Аллоҳу акбар» («Холис Аллоҳ таоло учун тонгдан кўёш ботгунча рамазон ойининг рўзасини тутишни ният қилдим. Аллоҳу буюқдир», дейди).

Киши ниятсиз кунни кўёш ботгунча емасдан, ичмасдан ва жинсий алоқа қилмасдан ўтказгани билан рўза тутган ҳисобланмайди. Чунки рўзада ният, ейиш, ичиш ва жинсий алоқадан сақланиш фарздир. Рамазон кечасида туриб саҳарлик қилишнинг ўзи рўза ниятига ўтади. Чунки кўнглига рўза тутишни келтириш ниятга ўтади. Саҳарлик қилган одамнинг кўнглига рўза тутиш нияти ўз-ўзидан келади. Бизнинг мазҳабимизда рамазон тугагунча ҳар куни ният янгилаб турилади.

Ифторлик пайтида ўқиладиган дуода ҳам ҳамд ва ибодатлар фақат Аллоҳ таоло розилиғи учун экани бундай таъкидланади: «Аллоҳумма лака сўмту ва бика аманту ва ёлайка таваккалту ва ёла ризқика афтарту» («Эй бор Худоё, Сен учун рўза тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сен берган ризқ ила оғзимни очдим», дейди).

Еб-ичиш кўпайгани сари шайтоний (шаҳвоний) амаллар ҳам ортаверади. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар умматим рамазон хислатини билганида эди, йилнинг ҳаммаси рамазон бўлишини орзу қилар эди»; «Ким имон-ла, савоб умидида рамазон рўзасини тутса ва (кечаларини) ибодат билан ўтказса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек бўлиб чиқади»,



деганлар. Яъни, рамазон рўзасини қолдирмай тутиш, кечаларни ибодат ила ўтказиш банди учун мағфират сўраш имкони, Аллоҳ таоло розилигини топиш учун қулай фурсатдир.

Ҳанафий мазҳабида кўра, рамазон рўзасини тутишда ҳар кунги ниятни қуёш оғунигача янгилаб олса ҳам бўлаверади. Яъни, киши тонгдан чошгоҳгача рўзага зид нарсани қилмасдан турса, қуёш тикка келишидан озгина олдин ўша куннинг рўзасини ният қилса ҳам, рўза ҳисобига ўтади. Лекин тонгдан кейин еб қўйган бўлса, кейин ният қилса ҳам дуруст бўлмайди. Энг афзали вақтида ният этишдир ва бу масалада ҳамма яқдил фикрда.

Рўзадор кишига яна ушбулар суннатдир: нафсни ёмон ниятлардан тўхтатишни қасд қилиш; фойдасиз ҳамда уятсиз сўзларни гапиришдан ва эшитишдан ўзини сақлаш; биров билан уришишдан, ҳар қандай гуноҳ ишлардан ўзни тортиш; мумкин қадар истиғфор, зикр ва тасбеҳ ила банд бўлиш; Қуръон ўқиш; қуёш ботган вақтда шом намозини ўқишдан илгари (бир қултум сув каби нарсани билан) оғиз очиш; рамазон ойида ҳар куни ҳуфтон намозидан сўнг йигирма ракат таровеҳ намози ўқиш; таровеҳ намозида Қуръони каримни ўқиб ёки эшитиб хатм қилиш; рамазонда ҳуфтонни жамоат билан ўқиган кишиларга витр намозини ҳам жамоат билан ўқиш.

Рамазоннинг биринчи куни: миллодий 641 йили 13 августда (ҳижрий 20 йил) Миср фатҳ этилди МИСР ФАТҲИ

Ҳазрати Умар халифаликлари даврида тажрибали саркарда Амр ибн Осс халифадан Мисрга юриш қилиш учун қўшин сўрайди. Чунки Амр бу мамлакатни яхши билар, бунинг устига Шом урушида ўз фазилатлари ва истеҳдодини кўрсата олган эди. Шунга кўра унга қўшин беришади ва у тўрт минг отлик билан Мисрга юриш бошлайди. Дастлабки жангларданоқ Амрнинг қўли баланд кела бошлади. У биринчи бўлиб шарқий Мисрдаги ал-Фараму шаҳрини эгаллади. Сўнгра жуда муҳим Билбайз шаҳрини забт этди. Кўп ўтмай Византиянинг энг йирик марказларидан бири машҳур Бобилион қалъасига рўбарў бўлди. Шундагина у энди каттароқ қўшин зарурлигини сездди. Муҳожирлар сардори Зубайр ибн Аввом олти мингдан кўпроқ жангчи билан ёрдамга етиб келди. Амр аскарларининг ярмини Бобилион қамалига қолдириб, Айнул-Шамс шаҳрини ҳам босиб олишга улғурди.

Бобилион раҳбари Сирас ҳужумга дош беролмаслигидан қўрқиб, шартларни айтишни илтимос қилди. Унга Амр берган жавоб машҳур ҳақиқат бўлиб тарихда қолди: «Агар Ислом динини қабул қилсангиз, биз бутун халқингизни олқишлаган бўлардик ва қардошларимиз

бўлиб қолар эдингиз. Зўравонлик динимизга ёт нарсани. Бироқ бордию мусулмон бўлишни хоҳламасангиз, таслим бўлиб, солиқ тўлашларингиз мумкин. Сиздан хуш муомаламизни аямаймиз. Розилигингиз бўлмаган тақдирда охиригача курашамиз. Аллоҳнинг Ўзи кечиради». Сирас таслим бўлди. Фақат битта шаҳар – мамлакат шимолидаги бандаргоҳ Искандария бўйин эгишни хоҳламади. Қўролли кучлар тезда унга ҳам кириб боришди. Император катта қўшинни ёрдамга юборди, бироқ у ҳам қутқариб қололмади. Шаҳар таслим бўлди, мусулмонлар эса бутун Мисрда ҳукмронликларини ўрнатди.

Буюк Халид Шом ва Фаластин ҳокимлигига тайинлангани сингари Амр ҳам зафарлари эвазига Миср ҳукмдори қилиб белгиланди. Кўп асрлар мобайнида йирик маданий марказ бўлиб келган Искандарияда талайгина мактаб ва академиялар мавжуд эди. Бироқ овруполик кўпгина ёзувчиларнинг шаҳардаги катта кутубхона гўё халифа амри билан ёқиб юборилган, деган фикрлари нотўғридир ва бу тўлиқ инкор қилинди. Ўша кутубхоналарга ўтмишда икки марта ўт қўйилган, охириги гал бу мусулмонлар оёғи Миср тупроғига тегмасидан уч юз йил илгари юз берган эди.



РЎЗАГА ОИД ҲУКМЛАР

РЎЗАНИ БУЗАДИГАН ВА ФАҚАТ ҚАЗОСИНИ ТУТИШНИ ВОЖИБ ҚИЛИБ, КАФФОРТНИ ВОЖИБ ҚИЛМАЙДИГАН НАРСАЛАР

1. Ғизо ва ғизо маъносида бўлмаган нарсани тановул қилиш. Бунда одатда ғизо саналмайдиган ва инсон кўнгли емоққа мойил бўлмайдиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, рўзадорнинг хом гуруч, хамир, бирор нарса аралаштирилмаган ун каби нарсаларни емоғи.
2. Бирданига кўп тузни еб юборса ҳам рўзаси очилиб, унинг қазосини тутиб беради.
3. Пишмаган мевани еса ҳам, рўзаси бузилади.
4. Тишлари орасида қолган нўхотдан катта нарсани еса ҳам рўзаси очилади.
5. Данак, пахта, қоғоз, тери еса ҳам.
6. Тош, темир парчаси, тупроқ, тангага ўхшаш нарсаларни ютиб юборса ҳам.
7. Ўз ҳаракати билан ичига тутун киргазса ҳам.
8. Орқасидан, бурнидан, томоғидан ва аёл кишининг олдидан ичига сув ёки дори киритилса ҳам.
9. Қулоғига мой томизса ҳам, сув томизса, рўза очилмайди.
10. Аёл кишининг олд аъзосидан қатра томизилса ҳам рўзасини қазо қилиб тутиши лозим бўлади. Эракк кишининг олд аъзосидан қатра томизилганда бу гап йўқ.
11. Қасддан оғзи тўлиб қусса ҳам қазо тутати. Агар рўзалиги эсидан чиққан, оғзи тўлмай қусган, таом эмас, балғам қусган бўлса, рўзаси очилмайди.
12. Ғизо ва давони беморлик, сафар, мажбурлаш, хато, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар ила тановул қилса, қазосини тутиб беради.
13. Оғзини чайиб турганда хато қилиб сув ичига кетиб қолса, рўзаси очилади ва қазо тутати.
14. Бошидаги ёки қорнидаги жароҳатга дори қўйганда ичига ёки димоғига кетиб қолса ҳам.
15. Биров ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборса ҳам.
16. Аёл киши хизматга ярамай қоламан деб таом еса ҳам.
16. Биров аввал эсида йўқ таом еган ёки жинсий яқинлик қилган бўлса, рўзаси очилмайди. Аммо ҳукми билмай, бўлар иш бўлди, деб ке-йин яна таом еса ёки жинсий яқинлик қилса, қазо рўза тутиб бериши лозим бўлади.
17. Дейлик, биров кечаси рўза тутишни ният қилмади. Кундузи ният қилди. Кейин бу ниятим тўғри бўлмаса керак, деган шубҳа билан таом еб юборса, рўзаси очилади ва қазо тутиши вожиб бўлади.
18. Биров ҳали тонг отмаган бўлса керак, деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилсаю кейин билсаки, тонг отиб бўлган экан. Рўзасининг қазосини тутати.
19. Биров қуёш ботган бўлса керак, деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, қуёш ботмаган экан. Рўзасининг қазосини тутати.
20. Биров таом еб ёки жинсий яқинлик қилиб турганда тонг отиб қолди. Дарҳол қилаётган ишини тўхтатса, рўзаси тўғри бўлаверади.
21. Шаҳватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутати.
22. Кучоклаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли манийи тўкилса, қазо тутати.
23. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл қазо тутати.
24. Аёл киши фаржига мой ёки шунга ўхшаш нарсаларни томизса ҳам.
25. Рўзадор одам орқасига сув ёки мой билан ҳўлланган панжасини киритса ҳам.

26. Рўздор одам орқасига пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам.
27. Аёл киши ички фаржиге сув ёки мой билан ҳўлланган панжасини ёки пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса ҳам.
28. Рамазон рўзасидан бошқа рўзаларни очган бўлса, фақат қазо тутиш вожиб бўлади, каффорот вожиб бўлмайди.

РЎЗАНИ БУЗАДИГАН ВА ҚАЗОСИНИ ТУТИШНИ ҲАМ, КАФФОРОТНИ ҲАМ ВОЖИБ ҚИЛАДИГАН НАРСАЛАР

1. Физо ёки унинг маъносидаги нарсани шаръий узрсиз ёмоғи. Одатда озук сифатида танаввул қилинадиган барча нарсалар физога киради. Дори, папирос, афюн, наша ва шунга ўхшаш нарсалар физо маъносидаги нарсаларга киради. Ушбу ҳолатларда рўзасини очган одам ҳам қазосини тутди, ҳам кул озод қилиш, олтмиш кун кетма-кет рўза тутиш, унга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом бериш билан каффоротни адо қилади.
2. Бировнинг ғийбатини қилганидан, қон олдирганидан, шаҳват билан ушлаганидан ёки ўпганидан, қучоқлашиб ётганидан, мўйлабини мойлаганидан кейин рўзам очилиб кетди, деган ўй билан қасддан еб-ичиб юборса ҳам қазо тутиб, ҳам каффорот адо қилади (Фақиҳ рўзанг очилибди, деб фатво берса, бундан мустасно. Бунда фақат қазо тутди, каффорот вожиб бўлмайди.)
3. Оғзига кирган ёмғир сувини, хотинининг туфигини лаззат учун, кесақхўр одам кесақни ютиб юборса ҳам рўзасининг қазосини тутди, каффорот адо этади.
4. Фарж шаҳватини тўла равишда қондирса ҳам. Унда иштаҳа тортадиган одам жинсининг олди ёки орасига олатни кириштиш қўзда тутилган. Агар маний тўкилиши бўлмаса ҳам.
5. Аёл киши кичик ёшдаги болага ёки мажнунга ўзига яқинлик қилишга имкон берса, унга ҳам қазо, ҳам каффорот вожиб бўлади.

РЎЗАНИ БУЗМАЙДИГАН НАРСАЛАР

1. Рўздорлиги эсидан чиқиб, еб-ичиб ёки жинсий яқинлик қилиб қўйса, рўзаси очилмайди. Аммо эсига тушиши билан дарҳол мазкур ишларни тўхтатиши шарт. Жинсий яқинлик қилаётган киши рўздорлигини эслаши билан ажраши керак. Агар ундан кейин ҳам туриб қолса, рўзаси бузилади.
2. Назар солгани ёки ўйлагани оқибатида манийи тўкилса, ўзи гуноҳкор бўлса ҳам рўзаси очилмайди. Кундуз куни эҳтилом бўлиб қолса ҳам рўзаси очилмайди.
3. Қўзига дори томизса ёки сурма қўйса ҳам рўзаси очилмайди.
4. Қон олдирса ҳам рўзаси очилмайди.
5. Мисвок қилса ҳам рўзаси очилмайди.
6. Муболағасиз оғиз-бурунни чайса ҳам рўзаси очилмайди.
7. Фусл қилса ёки салқинлаш учун ҳўл латтага ўранса ҳам рўзаси очилмайди.
8. Ғийбат қилса ёки оғзини очишни ният қилса ҳам рўзаси очилмайди.
9. Рўздорнинг ичига унинг ихтиёрисиз тутун, чанг ёки пашша кирса ҳам рўзаси очилмайди. Аммо рўздорлигини эслаб туриб хўшбўй нарсани тутатиб ҳидласа, рўзаси очилади.
10. Тиш олдириб, қон ёки дорини ютмаган бўлса ҳам рўзаси очилмайди.
11. Эркак кишининг жинсий олатидан сув, мой ёки дори киритилса рўзаси очилмайди. Қулоқдан сув кирса ҳам, қулоқни кавласа ҳам, рўзаси очилмайди. Аммо рамазонда бу каби ишларни қилмаган маъкул.

12. Балғам ёки бурун сувининг кириш ёки чиқиши билан ҳам рўзаси очилмайди.
13. Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда мажбур бўлиб қўсса ҳам, рўзаси очилмайди.
14. Тишлари орасида қолган нўхатдан кичик нарсани еса ҳам рўзаси очилмайди.
15. Жўнуб ҳолида юрса ҳам рўзаси очилмайди.
16. Муқулга, тери остига укол қилиш билан ҳам рўзаси очилмайди.

Ҳанафий уламолар рўздор киши учун макруҳ бўлган ишларни ҳам санаб ўтишган:

1. Узрсиз бирор нарсани татиб қўриш ва чайнаш. Чунки бунга ўхшаш нарсалар рўзанинг бузилишига олиб бориши мумкин.
2. Сақич чайнаш. Бу ишни қилган одамни оғзи очиқ деб ўйлайдилар.
3. Қучоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни қўзғайдиган ишлар.
4. Қасд ила туپигини оғзида тўплаш ва уни ютиш.
5. Рўздорни заифлашишига олиб борадиган қон олдириш каби ишларни қилиш.

РЎЗА ТУТИШГА УЗРЛИЛАР

Узрли сабаблар ила рўза тутолмайдиган кишилар рамазон рўзасини тутмасдан, кейинга қолдиришларига рухсат берилган. Аллоҳ таоло: «...Ким бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардадир», деб марҳамат қилган (Бақара, 185).

Узрли кишилар қуйидагилардир:

1. Мусофир киши. Агар унга саҳарлик ва ифтор қилиш қийинчилик туғдирса, кейин қазосини тутиб бериши жоиз. Қийинчилик бўлмаса, сафарда ҳам рўза тутган яхши.
2. Касал киши. Рўза тутганида касалининг зўрайиши хавфи бўлса (буни ўзи билса ё табиб айтса) ёки тузалиши орқага суриладиган бўлса, рўза тутмаслиги жоиз.
3. Ҳомилдор ёки эмизикли аёл. Унинг рўзаси мусулмон табиб далолатига қўра, ўзига ё боласи (ҳомиласи)га зарар етказадиган бўлса, шунда у рўзасини кейинга қолдиради.
4. Қари киши. Унинг тутишга қучи етмаса рўза тутмайди (бундай кексалар қазо рўза ўрнига фидя берадилар).
5. Ҳайзли ёки нифосли аёл киши (улар учун рўза тутиш дуруст эмас).
6. Бир касаллик туфайли ўзини билмай қолган хўшсиз киши.
7. Рўза тутса оғир машаққат ё очликдан ҳалок бўладиган, ақлига камчилик етадиган ёки аъзоларидан бири ишдан чиқадиган бўлса, бундай киши ҳам рўзасини кейинга қолдиради.

Буларнинг ҳар бирларига, рамазондан кейин, узрлардан холи бўлгандан кейин, неча кун рўза тутмаган бўлса, ўшанча кун қазо рўза тутиш фарздор. Фақат ўта кекса эркак ва аёллар учун ҳамда сурункали ва тузалмайдиган касаллар учун ҳар кунлик рўза учун фидя берсалар, етади. Агар булар ҳам қодир бўлиб қолинса қазосини тутадилар.

Бутун рамазон ичи жинни бўлган кишидан рўза соқит бўлиб, қазосини тутиш лозим бўлмайди, аммо рамазоннинг биргина кунда ақлига келиб қолса, бутун оининг қазосини тутди. Рамазонда ҳушини йўқотган киши хўшсизликда ўтган кунларининг қазосини тутди. Рамазонда кундуз кун сафардан қайтиб келган киши, ҳайздан ёки нифосдан пок бўлган аёл, балоғатга етиб қолган бола ва мусулмон бўлган кофир кун ботгунча емасдан ва ичмасдан туриши лозим.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”дан).

АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИ

Ислом тарихига умавийлардан кейин қадам қўйган сулола номи "аббосийлар" деб аталади. Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб зурриёдларидир. Унга Абул Аббос ас-Саффоҳ асос солган, охириги халифа Муътаъсим бўлган. Аббосийлар ҳижрий 132-656 (милодий 750-1259) йилларда, яъни беш асрдан зиёд халифалик қилишган. Шиорлари қора байроқ бўлган. Улар даврида халифалик пойтахти Дамашқдан Бағдодга кўчирилган, иқтисод-савдо ва маданий соҳалар гуллаб-яшнаган. Охириги халифани мўғуллар хони Ҳалоку (Хулогу) қатл эттирган. Аббосийлардан машҳурлари Маҳдий (775-785), Ҳорун ар-Рашид (786-809). Маъмун ((813-833), Муътаъсим (833-842) лардир. Аббосий халифалар (тахтга ўтирган йили билан) қуйидагилар: Саффоҳ – ҳижрий 132/ милодий 750. – Мансур – ҳижрий 136/ милодий 754. Маҳдий – ҳижрий 158/ милодий 775. Ҳодий – ҳижрий 169/ милодий 785. Ҳорун ар-Рашид – ҳижрий 170/ милодий 786. Амин – ҳижрий 193/милодий 809. Маъмун – ҳижрий 198/ милодий 813. Муътаъсим – ҳижрий 218/ милодий 833. Восиқ – ҳижрий 227/ милодий 842. Мутаваккил – ҳижрий 232/ милодий 847. Мунтасир – ҳижрий 247/ милодий 861. Муътаъсим – ҳижрий 248/ милодий 862. Муътаъз – ҳижрий 252/ милодий 866. Муътаъдий – ҳижрий 255/ милодий 869. Муътаъид – ҳижрий 256/ милодий 870. Муътаъид – ҳижрий 279/ милодий 892. Муътаъий – ҳижрий 289/ милодий 902. Муътаъидир – ҳижрий 295/ милодий 908. Қоҳир – ҳижрий 320/ милодий 932. Розий – ҳижрий 322/ милодий 934. Муттакий – ҳижрий 329/ милодий 940. Муътаъий – ҳижрий 333/ милодий 944. Мутеъ – ҳижрий 334/ милодий 946. Тоих – ҳижрий 363/ милодий 974. Қодир – ҳижрий 381/ милодий 991. Қоим – ҳижрий 422/ милодий 1031. Муътаъий – ҳижрий 467/ милодий 1075. Муътаъидир – ҳижрий 487/ милодий 1094. Муътаъид – ҳижрий 512/ милодий 1118. Рашид – ҳижрий 529/ милодий 1135. Муътаъий – ҳижрий 530/ милодий 1136. Муътаъидир – ҳижрий 555/ милодий 1160. Муътаъидир – ҳижрий 566/ милодий 1170. Носир – ҳижрий 575/ милодий 1180. Зоҳир – ҳижрий 622/ милодий 1225. Муътаъидир – ҳижрий 623/ милодий 1226. Муътаъидир – ҳижрий 640-656/ милодий 1242-1258.

Рамазоннинг учинчи куни: милодий 632 йил 21 ноябрда (ҳижрий 11 йил) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қизлари Фотимаи-Заҳро (розияллоҳу анҳо) вафот этди

ФОТИМА БИНТИ МУҲАММАД

Фотима бинти Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳо), Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва Ҳадича онамизнинг кенжа ва суюмли қизлари, Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларнинг оналари. Фотима илк илоҳий ваҳий келган йили Маккада туғилганлар. Гўзал ва покиза бўлганлари учун исмларига Заҳро (гулдек) лақаби қўшиб айтилган. Фотимаи Заҳро ҳижратнинг иккинчи йили Али ибн Абу Толибга узатилганлар. Улар беш фарзанд – Ҳасан, Ҳусайн, Муҳсин, Умму Кулсум, Зайнабларни тарбиялашган. Ҳазрати Фотимадан тарқаган авлодлар кейинчалик идрисийлар, фотимийлар, саъдийлар ва бошқа сулолаларга асос солишган. Ҳижрий 11 йили, Расули акрам вафотларидан олти ой кейин вафот этдилар ва Мадинада дафн этилдилар.

Рамазоннинг еттинчи куни: милодий 971 йил 22 майда (ҳижрий 361 йил) Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Ислом оламидаги энг йирик ўқув даргоҳларидан "Ал-Азҳар" жомеига асос солинди

РАМАЗОН ОЙИДА БЎЛГАН МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Рамазоннинг иккинчи куни: милодий 750 йил 13 апрелда (ҳижрий 132 йил) Абдуллоҳ Абул Аббос Дамашқни эгаллади, умавийлар ҳукмронлиги тугатилиб, аббосийлар давлати қурилди



«АЛ-АЗҲАР»

"Азҳар" сўзи арабчада «порлоқ, нурафшон, гуллаган» маъноларини англатади. Мисрда жойлашган дунёдаги энг кўҳна ва салоҳиятли Ислом дорилфунуни, жомеъ масжиди ва мадрасалардан иборат мажмуа шу ном билан аталади. У фотимийлар саркардаси Жавҳар Сақалий томонидан ҳижрий 358 (милодий 969) йили Қоҳира билан бир вақтда қурила бошлаган. Аввал бу ерда дин асослари, шарият ва қонун, араб тили ва адабиёти ўқитилган. 1961 йилдан янги тиббиёт, ҳандаса (муҳандислик), зироат (қишлоқ ҳўжалиги) ва тижоратчилик бўлимлари ҳам қўшилди. "Ал-Азҳар"нинг барча шохбчаларида таълим олаётганлар сони бир миллион кишига етади. Уларга олти мингдан зиёд уламо ва мударрис сабоқ беради. Биргина 2001 йилда унда қирқ минг хорижлик талаба ўқиган, умуман саксон беш минг киши олий маълумот (бакалавр) дипломини олган. "Ал-Азҳар"дан Муҳаммад Ғаззолий, Имом Жодул Ҳақ, Юсуф Қаразовий, Мутавалли Шайроний каби дунёга машҳур олимлар етишиб чиққан.

Рамазоннинг саккизинчи куни: милодий 630 йил 18 декабрда (ҳижрий 9 йил) Табук шаҳрига юриш бошланди

ТАБУК ЮРИШИ

Табук Дамашқдан Мадинага бориладиган йўл устидаги қадимий бир шаҳар эди, ҳозир у Саудия Арабистонига қарашли. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Табук ғазотлари шу ерда бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Византияга қарши сафарлари ҳижрий 9 (милодий 630) йили Мадина билан Шом орасидаги Табук шаҳрига бўлди. Табук юриши Расули акрам шахсан ўзлари иштирок этган ғазотларнинг охиригидир. Табук сафари Вадо ҳажидан кейин бўлди. Унда уруш бўлмаса ҳам, Исломнинг энг қувватли бир қўшини улкан насроний империясининг қудратига кўкрак кериб чиққани учун ҳарбий ва сиёсий томондан кўп зафарлар қўлга киритилган эди. Машаққатли бу ғазот мусулмонлар учун бир синов-имтиҳон ҳам бўлган эди. Унга «Қийинчилик ғазоти» (Ғазватул-Усро) деб ном ҳам берилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўшинлари Табукда йигирма кун бўлди, бир неча кичик насроний ҳукуматлар билан сулҳ битимлари тузилди. Табук ғазоти Византия императори Хирақлнинг кучли қўшинларини парчалаб юбориш учун олиб борилган мудофаа ҳарби бўлиб тарихга кирди.



Эътикоф

Арабча “эътикоф” сўзи “лозим тутиш; туриб қолиш” маъноларини билдиради. Эътикоф – рўздорнинг Аллоҳ таолога қурбат ҳосил этиш (яқинлашиш) ва ибодат қилиш ниятида масжидда бўлишидир. Эътикоф Қуръони карим (Бақара, 187) ва Суннати набавийя ила собит бўлган. Эътикоф ўтиришни назр қилган эркак кишига эътикоф вожиб бўлади. Рамазон ойининг охиригى ўн кунда эътикоф кифоя (яъни баъзи мусулмонларнинг бажариши билан бошқалардан соқит бўладиган), таъкидланган суннат, бошқа вақтларда мустаҳабдир. Мустаҳаб эътикоф учун рўза шарт эмас. Унинг энг оз муддати, Абу Юсуфга (раҳимахуллох) кўра бир соатдир.

Агар бир одам эътикоф ўтиришни рўзасиз назр қилса ҳам, у кишига назр қилган эътикофи кунлари рўза тутиш вожиб бўлади. Чунки рўза назр қилинган эътикофнинг дурустлигининг шартидир. Назр эътикофда фақат кундуз кунлари эътикоф ўтиришни ният қилмаса кечалари ҳаж қилади. Эътикоф Масжидул Ҳаромда афзал, ундан кейин Масжидун Набавийда, ундан кейин Масжидул Ақсода, ундан кейин жамоат кўп йиғиладиган масжидларда афзалдир. Беш вақт жамоат бўлиб намоз ўқилмайдиган масжидда эътикоф ниятида ўтириш саҳиҳ эмас. Аёллар эр ижозати билан ўз уйидаги намоз ўқийдиган ўринда эътикоф қиладилар.

Пайғамбаримиз (соллалоху алайҳи ва саллам) ҳар йили рамазон ойининг охиригى ўн кунлигида эътикоф ўтиришни қанда қилмаганлар. Эътикоф муддати бир кундан ўн кунгача. Вожиб эътикофни ният қилган киши масжиддан чиқмайди (ҳожат учун, таҳорат олгани, ғул қилгани чиқса бўлади). Эътикоф ўтирувчи то-

заликка риоя қилган ҳолда еб-ичиши, озгина ухлаши, кийим ўзгартириши, ўзининг ёҳуд оиласининг рўзгорини тебратиш учун эҳтиёжга зарур нарсаларнигина (масжиддан чиқмай) савдо қилиши жоиз. Эътикофчилар намоз ўқийдилар, тасбеҳ айтадилар, Қуръон ва китоб ўқийдилар, илм ўргатадилар ва ўрганадилар. Улар дуо қиладилар, ухровий (охират), хайрли сўзларни гапирдилар, зарур бўлмаса, дунё сўзидан сўзламайдилар, дунё ишини қилмайдилар. Эътикофчига тек туриб сукут сақлаш, аёлига яқинлашиш, ўпишиш, жинсий алоқа қилиш, савдогарлик қилиш (молни келтирмасдан савдо қилиш мумкин) ман этилган. Узрсиз, дунёвий иш учун масжиддан ҳеч қандай зарурий сабаб бўлмасдан бир зумга бўлса ҳам ташқарига чиқса, вожиб эътикоф бузилади, суннат ёки мустаҳаб бўлса, тугайди.

Бир кунлик эътикофни қасд қилган киши тонг отмасидан масжидга кириб, қуёш ботгач чиқади. Бир кундан кўп эътикоф ўтирмоқни назр қилса, қуёш ботмасидан илгари масжидга кириб, кейинги кун қуёши ботганидан сўнг чиқади. Киши неча кунлар эътикоф ўтиришни назр қилса, ўша кунларнинг кечаларини ҳам эътикоф ўтириши лозим бўлади. Кечалари эътикофни назр қилган киши узлуксиз кундузлари ҳам эътикоф ўтириши лозим. Кечаларни истисно қилиб, фақат кундузлари эътикоф ўтиришни ният қилиш жоиз. Агар киши бир ой эътикофни назр қилиб, қалбида ният қилса, тили билан айтмагунча назр ҳисобланмайди.

Ихлос ва самимият ила адо этилган эътикоф ибодатларнинг афзалидандир. «Ким рамазонда ўн кун эътикоф ўтирса, худди икки ҳаждек ёки икки умрадек бўлади»,

деб ҳадиси шарифда ривоят қилинган.

Ислом олимларидан Атоуллоҳ (рахматуллоҳи алайҳ) бундай дейдилар: «Эътикофга кирувчи киши катта дарвоза олдида бир илтижо ёки тилак сўраб, ёлвориб кутган, Роббим мени кечирмагунича бу эшикдан кетмайман, демоқчи бўлган киши кабидир».

ФИТР САДАҚАСИ

Фитр садақаси рамазон ойи давомида тутилган рўза Аллоҳ таоло даргоҳида қабул бўлиши ва рўза ичида библиб-билмай йўл қўйилган хато-камчиликларни поклаш учун камбағалларга бериладиган садақа, айни чоқда, каффорат ҳамдир. Ҳадиси шарифда: «Фитрни ўз эгасига топширмагунига қадар тутган рўзаси осмонда осилиб туради, адо этиши билан қабул бўлиб, осмонга чиқиб кетади», дейилган.

Фитр садақасини рамазон ойининг сўнгига етишган ва аслий ҳолатидан ташқари нисобга етган молга эга бўлган мусулмоннинг бериши вожибдир. Бошқа садақалар (закот, ушр) молдан қилинса фитр садақаси киши бошидан қилинади. У вожиб бўлганида оиладаги катта-кичик ҳисобидан жон бошига берилгани учун «бош садақаси» деб ҳам аталади. Фитр садақасини бериш учун рўза тутган бўлиш шарт қилинмаган. Ҳайит намозидан олдин туғилган бола учун ҳам садақа бериш вожиб. Лекин балоғат ёшига етган катта, оқил, мустақил ҳаёт кечирувчи эркак болалари учун ота фитр садақаси бермайди.

Нисобга моли етган кишининг фитр садақаси олиши ҳаромдир. Чунки унинг берилишидан мақсад: ҳайит кунини фақир мўмин-мусулмонни бироз бўлса-да севинтириш, муҳтож бўлса, кам-қўстини тўлдиришга ёрдам беришдир. Ана шунда камбағал-фақир мусулмон қалби қувончга тўлган ҳолда ҳайит намозига чиқади ибодатини хушў ва ихлос билан адо этади.

Фитр садақасини ўзи яшаётган шаҳар ё қишлоқдан бошқа узоқ шаҳар-қишлоқларга юбориш макруҳ. Шубҳасиз, фитр садақасини ўзининг қарамоғида бўлмаган, закот олувчи ҳисобланадиган қариндош-уруғ орасидаги фақир-камбағалларга бериш афзал. Аёл киши эрига агар у бечора, муҳтож бўлса, фитр садақаси бериши жоиз. Чунки эр аёлнинг қарамоғида эмас. Лекин эр хотинига бериши жоиз эмас, сабаби – хотин эрининг қарамоғидадир, яъни, шундай ҳам боқиши лозим. Ота-онасига, фарзандига, муртадга фитр садақасини бериб бўлмайди.

Фитр садақаси миқдори буғдой (ун), талқондан жон бошига ярим соъ (1900 гр), арпа, куруқ хурмо ва майиздан бир соъ (3800 гр) қилиб белгиланган. Уламоларимиз ҳисобга тўғри ва осон бўлиши учун икки килограмм буғдой миқдорини асос қилиб олишган. Буни пулга қақиб, баҳосини берса бўлади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу йилги фитр садақаси миқдорини 5000 (беш минг) сўм қилиб белгиланган.

Уни бериш вақти рамазон ҳайити кунини чин тонгдан вожиб бўлади, намозга чиқишдан олдин адо этиш мустаҳаб. Лекин ҳайитдан олдинги кунлари берса ҳам бўлади, фақирлар эҳтиёжи нуқтаи назаридан ўйланса, яхшироқ ҳамдир.

Закот олувчи кишилар фитр олувчилар ҳамдир. Фитр садақаси бундай сабаб билан берилмай, ҳайит ўтиб кетса, мусулмон елкасидан вожиблиги тушмайди. Фитр садақаси муҳтож одамларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган молиявий ибодат бўлгани учун уни масжидлар қурилиши ё таъмирига ишлатиш мумкин эмас.

ФИДЯ БЕРИШ

Ислом шариатида буюрилган маълум бир амал ўрнига мол сарфлаш "фидя" дейилади. Бунинг учун шариатда кўрсатилган узрли сабаблар мавжуд бўлиши лозим. Масалан, рамазон ойи рўзасини узрли сабаблар туфайли тутолмай қолганлар бунинг учун фидя берадилар. Исломда инсонни

унинг тоқатидан ташқари ишга таклиф қилиш йўқ. Масалан, Аллоҳ таоло рўза фарз қилиниши билан бирга «мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир» (Бақара, 184), деб марҳамат қилади. Ҳадиси шарифда: «Бу оят бекор бўлмаган, балки қари чол ва кампир учундир. Улар рўза тутишга қодир эмаслар. Бас, ҳар бир кун ўрнига камбағални таомлантирадилар», дейилган. Бошқа ҳадиси шарифда: «Бу рухсат фақат рўзани кўтара олмайдиган ва тузалмас касалларгагина берилади», дейилган.

Қариликлари туфайли рўза тутма олмайдиганлар учун фидя беришнинг йўлга қўйилиши бежиз эмас. Унда камбағалларнинг манфаати билан бирга ўша рўза тутма олмаган кишиларнинг адо эта олмаганлари учун афсус-надоматларини енгиллатиш ҳам бор. Қариялар рўзага кучи етса, тутиши лозим. Тутма оладиган ҳолда фидя берса, раво бўлмайди. Юқорида келтирилган ояти каримада кўзда тутилганлар, умуман, рўза тутишга ярамайдиган, кундан-кунга жисмонан заифлашиб бораётган ўта қари чолу кампирлар, ўлаётган қариялар ва тузалишидан умид йўқ касаллардир. Бундай касал ўзи ёш бўлса ҳам, "ўтаётган қариялар" ҳукмидадир. Бу тоифадаги кишилар рўза тутиш имконига эга бўлмаганлари учун ўрнига фидя беришлари йўлга қўйилган.

Рўза тутишда вақтинчалик қийинчиликка учраб, кейин яна рўза тутиш имконига эга бўладиган касаллар худди ҳомилали ва эмизикли аёллар, мусофирлардек янаги рамазон келгунча тутиб беришлари лозим.

Ҳадиси шарифда: «Ким ўлсаю унинг зиммасида ойнинг (фарз) рўзаси бўлса, унинг номидан ҳар бир кун ўрнига бир камбағалга таом берсин», дейилади. Чунки тутилмай қолган рўза, ўқилмай қолган намозлар банданинг Аллоҳ таоло ҳузурдаги қарзи ҳисобланади, уни узиш фарзандлари (меросхўрлари) елкасидадир. Фидя беришга марҳумдан қоладиган мероснинг учдан бир миқдоригача сарфлаш мумкин. Ворислар бўлмаса ҳаммасини сарфлаш жоиз. Мусулмон кишининг баъзи намози ёки рўзаси қазога қолган бўлса, киши вафот қилишидан хавфсиралган пайтда агар қоладиган ортиқча моли бўлса, ворисларига фидя беришни васият этиши вожиб. Аммо марҳум васият қилмаган бўлса, фидя бериш ворисларига вожиб эмас. Беш вақт намознинг ҳар бири учун ҳам, витр намози учун ҳам фидя берилади. Айрим уламолар: бир кунлик намоз фидяси бир кунлик рўза фидясига тенг, дейишган.

Камбағал бечора дейилганда кундалик ҳаёти қийинчиликда ўтаётган, кўчага чиқиб тиланчилик қилишга виждони йўл қўймаётган одам тушунилади. Фидя бир камбағалнинг бир кунлик ўртача тирикчилигини таъминлайдиган овқат миқдори бўлиб, унинг ҳажми таом ёки унга тўғри келадиган пул бирлигида белгиланади. Бунда ҳар бир жойнинг иқтисодий-маиший шарт-шароитидан келиб чиқилади. Бир кунлик рўза учун бериладиган фидя фитр садақаси (яъни, икки килограмм буғдой ёки унинг нархи)дан кам бўлмаслиги лозим. Ўликни кўмгандан кейин фидя бериш жоиз бўлса ҳам, уни кўммасдан илгари бериш афзалдир.

ТАРОВЕҲ НАМОЗИ

Араб тилидаги "таровеҳ" сўзи луғатда "дам олиш; роҳатланиш" маъноларини билдиради. Рамазон ойида адо этиладиган йигирма ракатли намознинг ҳар тўрт ракати-ни ўқигач бир оз дам олингани учун шундай ном берилган. Унинг вақти рамазон ойида хуфтон намозидан кейин кириб, то бомдод вақти киргунича давом этади. Витрдан олдин ҳам, кейин ҳам ўқиш дуруст бўлади, лекин афзали – таровеҳни витрдан олдин ўқиш.

Таровеҳ намози таъкидланган суннатлардандир. Жамоат бўлиб ўқиш эса маҳалла кишилари учун кифоя суннат ҳисобланади. Яъни, айримлар жамоат бўлиб таровеҳни

ўқишса, қолганлардан жамоат бўлиб ўқиш суннати соқит бўлади. Аммо бир маҳаллада ҳеч ким жамоат бўлмаса, шу маҳалладаги ҳамма одам суннатни тарк қилган ҳисобланади.

Таровеҳ икки ракатдан ўқилади, ҳар тўрт ракат ўқилгач, бир оз истироҳат учун ўтирилади. Намозхон шу ўтиришда зикр ва тасбеҳ ила машғул бўлади ёки сукут сақлайди. Бизнинг диёримизда ушбу ўринда куйидаги каби тасбеҳлар ўқиш одат бўлган: «Субҳана зил мулки вал малакут. Субҳана зил ғиззати вал ғазомати вал қудроти вал қибрия'и вал жабарут. Субҳанал маликил ҳаййиллази ла ямут. Суббуҳун қуддусур роббуна ва роббул мала'икати варруҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ, насъалукал жанната ва наъзу бика минан нар».

Таровеҳ намозларида Қуръони каримни бир марта ўқиб тугатиш рамазон ойининг суннат амалларидандир. Хатмни рамазон ойининг 27-кечасида, яъни «Қадр кечаси»да тугатиш яхши. Йигирма биринчи ёки ундан олдинги кечаларда тугатиш макруҳдир. Чунки машойхларимиз Қуръони карим оятларини 540 рукуъга тақсимлаб чиқишган ва мусҳаф саҳифаларининг хошияларига рукуъга далолат қилувчи белгилар қўйишни жорий қилишган. Ҳар кеча йигирма ракатдан ўқилганида 27-кечада 540 марта рукуъ қилинган бўлади. Қуръони карим хатми «Қадр кечаси»да ёки ундан олдин тугатилган бўлса ҳам, қолган кечаларида таровеҳ ўқиш тўхтатилмаслиги лозим. Акс ҳолда макруҳ иш қилинган бўлади.

Таровеҳ намози рамазон ойи суннатларидан ҳисобланади, рўза суннатларидан эмас. Шу сабабли таровеҳ намозини ўқиш мусофир учун ҳам, рўза тутмаган узрли касал учун ҳам суннат бўлади. Шу билан бирга, ҳайз ва нифос кўраётган аёллар ҳам агар куннинг охирида пок бўлишса, таровеҳни ўқишлари суннат бўлади. Агар бир имом хуфтон намозини ўқиса, иккинчи имом таровеҳни ўқиса, шундан сўнг олдинги имомнинг таҳорати йўқлиги маълум бўлса, хуфтон ва таровеҳ қайта ўқилади. Агар бир одам масжидга кирса, имом таровеҳни ўқиб турган бўлса, у киши олдин фарз хуфтон намозини ўқийди. Хуфтондан кейинги икки ракат суннатни, таровеҳ имомига иқтидо қилиб ўқиса, жоиз.

Таровеҳ қазо бўлса, жамоат билан ҳам, ёлғиз ҳам ўқилмайди. Чунки қазо фарз ва жожиб аммаларгагина хосланган. Афзали – имом жамоатнинг ҳолига қараб, қироатни бир оз тезлатади, лекин тезлик намозни бузадиган ёки намозхонлар англаёлмай қоладиган даражада бўлмаслиги шарт. Шошиб қироат қилинмайди, «тааввуз», «басмала», саловот, қовма ва жалсалар тарк этилмайди. Таровеҳ намозларида Қуръони каримни хатм қилишни қавм оғир олса, имом уларга қарамайди, балки суннатни адо қилади.

Таровеҳнинг ҳар икки ракати мустақил намоз бўлиб, уларга алоҳида ният қилинади, таҳрима такбиридан сўнг «Сано», «Аъзу...» ва «Бисмиллаҳ...» ўқилади, қаъдада ташаххўдга қўшимча саловот ва дуолар қўшади ва ҳоказо. Таровеҳда «Аттаҳийёт»дан кейинги саловотлар ҳам ўқилади. Мободо имом саловотдан кейинги дуони ўқиш қавмга малол келаётганини сезса, уни тарк этиши мумкин.

Таровеҳ намозларини тик туришга қодир бўлатуриб ўтириб ўқиш макруҳдир. Аммо киёмда туриб ўқиса, ўтириб ўқиганидан кўра яхши. Эргашувчи имом рукуъга боргунича иқтидо қилмай ўтириб, рукуъга борганда иқтидо қилиши ҳам макруҳ. Чунки бунда ибодатга дангасалик кўринади.

Таровеҳ намози масжидда адо қилиниши маъқул. Чунки шариатга кўра, жамоат бўлиб адо қилинадиган ибодатларнинг афзалроғи масжидда қилинганидир. Бир масжидда икки марта таровеҳ намози ўқилиши макруҳ ҳисобланади. Иккинчи марта ўқишни хоҳловчилар жамоат бўлиб эмас, балки якка-якка ўқишади. Таровеҳга кеч келган киши қолган таровеҳининг қазосини ўқиб олай деса, витрга эргашидан ҳам қолади. Бундай ҳолатда олдин витрни (жамоат билан), сўнгра улгурмаган таровеҳ ракатларини ўзи ўқийди.

РАМАЗОН ҲАЙИТИ НАМОЗИ

Рамазон ҳайитида икки ракат ийд фитр (рамазон ҳайити) намозини адо этиш жожибдир. Ийд фитр намози шундай тартибда ўқилади: қиблага қараб «Икки ракат ийд фитр намозини ушбу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир томони-га қаратиб, холис Аллоҳ таоло учун ҳамма такбирлари билан адо этишни ният қилдим» мазмунида ният қилинган, «Аллоҳу акбар», деб биринчи такбир айтилиб қўллар боғланади. Овоз чиқармасдан «Субҳанака...» ўқилади. Имом билан биргаликда яна уч бор «Аллоҳу акбар», деб қўллар қулоқлар тўғриси-га кўтарилиб такбир айтилади, аммо бу такбирларнинг аввалги иккитасидан кейин қўллар ёнга ташлаб турилади. Учинчи такбирдан сўнг қўллар боғланади.

Имом Фотиҳа сураси билан бир сурани ўқийди, бошқалар қулоқ солиб жим туради. Сўнгра рукуъ ва икки сажда қилиниб, иккинчи ракатга турилади. Иккинчи ракатда имом яна Фотиҳа сураси ва зам сура ўқийди. Сўнгра рукуъдан аввал яна уч марта такбир айтилади, такбирлар орасида қўллар қулоқлар тўғриси-га кўтарилади ва такбирлар орасида улар ёнда тутилади. Тўртинчи такбир айтиб рукуъга борилади. Рукуъ ва икки сажда қилиб, қаъдада ўлтирилади, «ташаххўд», саловот, дуо ўқиб, салом берилади. Сўнг имом минбарга чиқади, хутбани ўқигандан кейин яна меҳробга қайтади, дуо қилади.

Рамазон ҳайити кунинида тонг отгач, ҳайит намозигача тамадди қилиш, тишларни мисвок билан тозалаш, ғул билан покланиш, хушбўй атру гулоблар сепиш, покиза, оҳорли кийимлар кийиш, фитр садақасини бериб ҳайит намозига бориш мустаҳаб амаллардандир. Ҳайит намозигача нафл намоз ўқиш макруҳ. Жума намози кимларга жожиб бўлса, ҳайит намози ҳам уларга жожибдир. Намоздан сўнг икки хутба ўқиш суннатдир. Ҳайит намози вақти қуёш бир найза бўйи кўтарилганидан то туш вақтигачадир. Туш вақти киргач, ҳайит намозини ўқиб бўлмайди.





Рамазоннинг тўққизинчи куни: милодий 712 йил 18 июнда (ҳижрий 93 йил) Андалусия фатҳи бошланди

АНДАЛУСИЯ АРМОНИ

Умавий амирларидан Валид ибн Абдулмалик ҳукмдорлиги (705-715) даврида Испания ва Португалия Мусо Нусайя ва унинг мавлоси Торик ибн Зиёд томонидан ҳижрий 92 (милодий 711) йилда фатҳ этилди ва бу икки давлат фатҳдан сўнг араб тилида битта ном билан «Андалусия» деб атала бошланди. Андалусия Ислом халифалиги даврида ниҳоятда гуллаб-яшнаган, Қуртуба (Кордова), Ишбилия (Севиля), Ғарнота (Гранада) каби ўлкалар илм-фан, маданият, савдо-сотик соҳасида фақат Бағдод ва Қўстантанаядангина орқада бўлган.

Андалусияда гўзал шаҳарлар, муҳташам масжид ва қасрлар барпо этилган, ҳунармандчилик ривожланган. Андалусиядан донғи дунёга кетган Имом Қуртубий, Ибн Арабий, Ибн Ҳазм, Ибн Рушд, Абу Ҳаййон, Ибн Атиййа каби олимлар етишиб чиққан. Андалусияда исломий китобларнинг улкан хазиналари жамланган, исломий билимлар юксак даражада ривожланган эди. Бу ерда барпо этилган ва Ислом меъморлигининг шоҳ асарлари саналган Аз-Захро, Ал-Ҳамро каби муҳташам ва фусункор қасрларни ҳалигача бирор миллат ёки давлат қура олгани йўқ.

Насронийлар ҳижрий 635 (милодий 1236) йили Қуртубани, 646 (милодий 1248) йили Ишбилияни босиб олиб, барча мусулмонларни қиличдан ўтказди, Ислом маданияти обидаларини яқсон қилиб, китобларни ёқди. Фақат Ғарнотада мусулмонлар ҳукмронлиги милодий 1492 йилгача давом этди ва шундан кейин Андалусия батамом таназулга юз тутди.

Рамазоннинг ўнинчи куни: милодий 620 йили рамазоннинг 10-куни мўминлар онаси Хадичаи Кубро вафот этдилар


ХАДИЧА БИНТИ ХУВАЙЛИД

Хадича бинти Хувайлид ибн Асад ибн Қусай (розияллоху анҳо) Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) биринчи ва суюмли жуфти ҳалоллари, мўминлар онаси, Ислом тарихининг энг буюк аёлларидан эдилар. Хадича онамиз ҳижратдан тахминан 68 йил олдин, Фил воқеасидан ўн беш йил олдин шарафли ва хайрли оилада туғилдилар. Жоҳилият даврида ҳам

одобли ва оқила бўлганлари учун Тоҳира (покиза) деб аталганлар. Қурайшнинг қирқ ёшли бой, насабли, бева аёли йигирма беш ёшли Пайғамбар алайҳиссаломга турмушга чиққанлар. Аллоҳга ва Унинг Расулига биринчи бўлиб иймон келтириб, илк мусулмонлардан бўлганлар. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарликлариғача ўн беш йил, рисолат даврида эса ўн йил биргаликда масъуд ва бахтли яшашган. Расулulloҳнинг етти фарзандларидан олти нафари – Қосим, Зайнаб, Руқайя, Фотимаи Захро, Умму Кулсум, Абдуллоҳларнинг онаси эдилар. Энг қийин дамларда Пайғамбар алайҳиссаломга садоқатли завжа, ҳамдард ва ёрдамчи сифатида у зотни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар. Шунинг учун Расули акрам Хадичанинг устига бошқага уйланмадилар, биронта аёлни у каби севмадилар, умрлари охиригача уни эслаб ўтдилар.


Хадичаи Кубро Аллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбари наздида ниҳоятда улў мақомга эришган эди. У ҳатто шу даражага етган эдики, Жаброил алайҳиссалом етти қават осмон тепасидан Хадичага Аллоҳнинг саломини олиб келган эди. Ривоят этилишича, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз ҳузурларига келиб: “Хадичага Парвардигорингиз саломини етказинг”, деган эди. Расулulloҳ бу муборак саломни етказгач, Хадича: “Аллоҳ ўзи Салом ва ҳақиқий салом Аллоҳдандир, Жаброилга ҳам салом бўлсин”, деди.

Ҳазрати Али розияллоху анҳудан ривоят қилинадик, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Еру кўкка ишора қилиб: “Буларнинг хотинларининг энг яхшилари Марям бинт Имрон ва Хадича бинт Хувайлид”, деганлар. Хадича бинти Хувайлид ҳижратдан уч йил олдин, милодий 659 йили олтамиш беш ёшларида Маккада вафот этдилар. Аллоҳ таоло Хадича бинти Хувайлиддан рози бўлсин!



ЗАКОТ ҳақида НИМАлар биласиз?

ЗАКОТ – ДИНИМИЗНИНГ АСОСИЙ РУКНЛАРИДАН



“Зако́т” сўзи луғатда «орттириш, поклаш, ўсиш, баракот» маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда моли нисобга етган одамнинг ҳар қамарий йилда бир марта молининг қирқдан бир улушини Аллоҳ таоло фарз қилган ҳақдорларга бериши «зако́т» дейилади. Зако́т фарзи айн (барчага баробар мажбурий), динимизнинг беш асосий рукнидан бири, молиявий ибодат саналади. Китоб, Суннат ва ижмоъ билан собитдир. Уни инкор этган диндан чиқади, ишониб адо этмаган улкан гуноҳ орттиради.

Зако́т ҳижратнинг иккинчи йили фарз қилинган. Зако́тда вақт тайин этиш жоиз. У балоғатга етган, ақлли, эҳтиёж ва қарзларидан ташқари йил тўлган нисоб миқдоридаги (ҳукман бўлса ҳам) кўпаявчи мол-мулк бор мусулмонга фарз бўлади. Зако́т бераётганда ёки мулкдан ажратаётганда унинг зако́т эканини ният қилиш лозим. Фақир олаётган моли зако́т эканини билиши шарт эмас. Аммо зако́т берувчи уни ният қилиб бир фақир ёки етимнинг қорнини тўйдирса, бу харажат зако́т ўрнига ўтмайди.

Шаръий зако́т Қуръон ва Суннатда «садақа» деб ҳам номланган. Солиқлар зако́т ўрнига ўтмайди, чунки зако́т камбағалларга мулк қилиб берилиши керак. Аллоҳ таоло: «Намозни тўқис адо этинглар, закотни беринглар ва Пайғамбарга итоат этинглар, шунда раҳм қилинасизлар» (Нур, 56), деб марҳамат қилган. Ўз молидан иймон-ихлос ва ихтиёр билан йилига бир марта закотни чиқариб бериш одамнинг иймони ҳақиқий эканлиги тасдиғидир.

Динимиз таълимотига кўра мол нисобга (зако́т беришни вожиб қиладиган миқдорга) етганидан кейин у мол ичида закотга ҳақлиларнинг моли пайдо бўлади, яъни, бировнинг ҳақи аралашади. Ўша бировнинг ҳақи чиқариб берилмагунча у мол пок ҳисобланмайди, ўзининг ҳалол молига бировнинг ҳақини – ҳаром молни қўшиб олгандек бўлади. Аллоҳнинг амрига бўйсуниб закотни чиқариб берилсагина, ўша мол покланади. Уламоларимиз зако́т ҳақида келган барча оят ва ҳадисларни яхшилаб ўрганиб, закотни адо этиш учун молу мулкда бўлиши керак бўлган шартларни баён қилишган: «Бир маълум молдан зако́т чиқариш учун у мол тўлиқ мулк (яъни, мол ўз эгаси қўлида бўлмоғи, унда бировнинг ҳеч қандай ҳаққи бўлмаслиги, молни ўз ихтиёри ила тасарруф қила олиши ва ҳосил бўлган фойдалари ўзига қайтадиган) бўлиши; амалда ёки тақдирда ўсувчи бўлиши (ўсмайдиган молни закотнинг ўзи йўқ қилиб қўйиши мумкин); нисобга етган бўлиши; аслий хожатдан ортиқча бўлиши; қарздан саломат бўлиши (зако́т фарз бўлиши учун мол эгасининг нисобни камайтириб юборадиган даражада қарзи бўлмаслиги керак); бир қамарий йил тўлган бўлиши лозим».

Нисоб муайян миқдордаги мол бўлиб, шариат бўйича бундан оз бўлган ҳолатда зако́т фарз бўлмайди. Тилланинг нисоби йигирма мисқол бўлиб, бу 85 грамм соф тиллага тенг келади. Қумушнинг нисоби эса, 200 дирҳам бўлиб, бу 595 грамм соф қумушни ташкил этади.

Ислондаги барча ибодатларни адо этиш таклифи маълум сифатларни ўзида мужассам этган одамларга лозим бўлганидек, зако́т ибодати ҳам «мусулмон бўлган, балоғат ёшига етган, ҳур ва озод (қуллар, чўрилар, маҳбуслар бундан истисно), оқил (жинни ва ақли расо эмаслар мустасно), махсус нисобга ва шартларга эга мол соҳибига фарз бўлади. Зако́т тўғри бўлиши учун икки шарт кўрсатилган: ният ва мулк қилиб бериш. Ислонда ҳеч бир ибодат ниятсиз бўлмайди, шунинг учун зако́т эканини ният қилмай молни бировга берса, у зако́т ўрнига ўтмайди. Закотни узрсиз кечиктириб бериш гуноҳдир. Зако́т рисоладагидек адо этилса, бу ибодат бойларни бахиллик, манманлик балосидан тозаланидек, камбағалларни ҳам ҳасад, ичи куйиш каби дардлардан тозалайди.

Зако́т ушбу уч турдаги моллардан берилади: 1. Тилла, қумуш, нақд пул (шу жумладан, қийматли қоғозлар) дан. 2. Савдо молларидан. 3. Асосан яйловда боқиладиган (чорва) ҳайвонларидан.

Бундан ташқари, боғда, тоғда, яйловда бўлган экин, пичан, ғалла, мева ва асал учун ушр берилади. Ушр учун закотга тайин қилинган нисоб йўқ, қанча ҳосил олинса, ўшанинг ўндан бири (ушр сифатида) берилверади.

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан)

НАҚД ПУЛЛАР ЗАКОТИ

Нақд пуллардан мурод, муомалада юриб турган қоғоз ва танга пул-

ларнинг барчасидир. Бу закот берувчи яшаб турган юртнинг пулими ёки бошқа юртнинг пулими – фарқи йўқ.

Нақд пуллардан закот беришнинг фарзлиги Китоб (Қуръони карим), Суннат ва Ижмоъ билан собит бўлгандир. Китобдан (Қуръони каримдан) бу амалнинг далили Аллоҳ азза ва жалланинг Тавба сурасида келган қуйидаги икки оятидир: “Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг башоратини беравер. Бир куни ўша (олтин-кумуш)ларни жаҳаннам ўтида қизитилади ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: “Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!” дейилади” (34-35-оятлар).

Бу амалнинг Суннатдан далили Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Имом Муслим ривоят қилган қуйидаги ҳадисларидир: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ҳеч бир тилла ёки кумуш эгаси йўқки, агар у ундан ҳаққини адо қилмаган бўлса, албатта, қиёмат куни унга оловдан япалоқ тошлар қилинади. Уни дўзах ўтида қиздирилиб туриб, ҳалиги эгасининг пешонасига, белига ва орқасига босилади...”

Муслмон уламолар барча асрларда икки нақд пул: тилла ва кумушдан закот бериш фарзлигига ижмоъ қилишган. Бошқа пул birlikлари шунга қиёс қилинади.

Агар нақд пулларда закотнинг вожиб бўлиш шартлари вужудга келган бўлса, ундан закот бериш вожиб бўлади.

Бировнинг йил бошида нисобга етган моли бор эди. Шунда ўша моли фойда ёки бошқа сабаблар, мерос, ҳадя, маош, мукофот билан ўсди. Ўша молларнинг эгаси аввалги нисобга етган молига кейинги тушган даромадларни қўшади, гарчи кейинги қўшилган молларга бир йил тўлмаган бўлса ҳам, барчасини жамлаб закот беради.

Амалий мисол: Бир одамнинг минг Кувайт динори миқдорида пули бор, шу пулига бир йил ўтди. Унинг закоти қанча бўлади?

Мисолнинг ечими: Мисол тариқасида айтايлик, бир грамм тилланинг нархи тўрт Кувайт динорига тенг. Нисоб эса 85 грамм бўлиши керак. (Закот фарз бўлиши шартларига назар солинг). Демак тўрт Кувайт динорини 85 граммга кўпайтирсак, 340 Кувайт динори чиқади ($4 \times 85 = 340$), яъни 340 Кувайт динори мол нисобга етгани белгиси бўлади. Ана шунга биноан қуйидаги маблағ закот қилиб чиқарилади: $1000 \times 2,5\% = 25$ кувайт динори.

ТАҚИНЧОҚЛАР ЗАКОТИ

Аёлларнинг шахсий фойдаланиш учун олиб қўйган тақинчоқлари унинг жамиятдаги тутган ўрнига қараб агар шу аёлнинг тенгдоши бўлган аёллар тақадиган одатдаги тақинчоқлар миқдоридан зиёда бўлмаса, улардан закот бермайди. Аммо унинг тақинчоқлари одатдаги тақинчоқлардан кўпайиб кетган бўлса, унда закот бериши фарзга айланади ва ўша ортиқча миқдори тўпланиб турган, сақланаётган даромад ўрнига ўтадиган бўлиб қолади. Ана шундай пайтда аёлнинг урфдан чиқиб эскириб қолди деб тақмай қўйган тақинчоқларидан ҳам закот бериши керак бўлади.

Тақинчоқларнинг закоти келганда улар тилла, кумушдан иборат бўлгани эътиборидан соф тилла ва соф кумушнинг ҳисоби қилинади. Закот бериш пайтида тақинчоқнинг бозордаги қиймати эътиборга олинмайди. Унга ишлов бериш, бунда заргарнинг санъати туфайли ошган зиёда қиймати закотдаги ҳисобга қўшилмайди. Шунингдек, тилла ва кумуш тақинчоқларга қимматбаҳо тошлар қадалган бўлса, уларнинг қиммати ҳам закот бериш пайтида ҳисобга олинмайди. Ўша тақинчоқни сотадиган тижоратчиларнинг савдо моли ичидаги тилла ва кумуш тақинчоқлар бу аёлниқига ўхшатишмайди. Чунки тижорат молидан закот бераётганда унда тилла ва кумушнинг ўзи ҳам, санъат асарлиги ҳам, ўша нарсаларни заргар ишлагандан кейин ошган қиймати ҳам ва қўшилган қимматбаҳо тошлар ҳам ҳисобга олинади. Чунки буларнинг ҳаммаси қўшилиб савдо молига айланган, улар энди тақинчоқ эмас.

Истеъмоли ҳаром қилинган тилла ва кумуш тақинчоқлардан ҳам закот бериш фарздир. Бунинг мисолига айтадиган бўлсак, баъзи эркак кишилар зийнат учун тилладан тақинчоқлар олишади. Ҳолбуки, тилла тақинчоқ эркак киши учун ҳаром. Лекин ўша ҳаром ишни қилаётган, тилла тақинчоқ тақайтган эркак барибир закотини беради. Мисол учун, бир эркак киши тилладан билағузук қилиб олган ёки соат тақиб юрибди. У буларнинг закотини беради. Лекин суннатга мувофиқ тарзда кумушдан узук қилиб олган бўлса, закот бермайди. Чунки бу нарса ҳалолдир, шарият рухсат берган нарсасидир. Шунингдек, аёл киши эркакларнинг нарсасини ўзига зийнат қилиб олган бўлса, у ҳаромдир. Демак, унда закот бордир.

Хулосасини айтадиган бўлсак, истеъмоли ҳаром бўлган барча тилла ва кумуш тақинчоқлардан закот берилади. Агар уларнинг ўзи нисобга етса ёки

бошқа мулкларга қўшилиб туриб нисобга етадиган бўлса ҳам закот берилиши шарт.


(Нашрга тайёрланаётган “Закот, садақалар, назрлар ва каффоротлар” китобидан)

ЗАКОТ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Ислом шариатида закот қуйидагиларга берилади:


1. Фақирларга, яъни моли нисобга етмаганларга.
2. Мискинларга, яъни ҳеч нарсасиз йўқсилларга.
3. Омилларга, яъни закот йиғувчиларга.
4. Озод бўлиш учун хожаси билан шартнома тузган қулларга (мукотабларга).
5. “Муаллафатул-қуллуб”га, яъни кўнгли Исломга мойил бўлиб турганларга.
6. Қарздорларга, яъни қарзи молидан ҳам кўпларга.
7. Аллоҳ йўлидагиларга, яъни ҳаж йўлида, урушда, илм талабида юрганларга.
8. Йўлда қолган мусофирларга, мамлакатларига етиб олгудек миқдорда закот берилади.

Бобо-момо, ота-она, фарзандларга, бойларга закот берилмайди. Эр хотинга ёки хотин эрга ҳам закот бермайди. Аммо ака-ука, опа-сингил, амма-амаки, тоға-хола каби қариндошларга (агар улар камбағал бўлишса) закот берилади. Абу Ҳанифа билан Имом Мухаммад (раҳимаҳумуллоҳ) наздларида бой эрнинг камбағал хотинига закот берилмайди. Шунингдек, отаси бой бўлган ёш ўғилга ҳам берилмайди. Балоғат ёшида бўлса, бериш жоиз. Яна бойнинг балоғатга етган камбағал қизига ҳам закот берилмайди. Ўғли бой бўлмиш кишининг камбағал отасига закот бериш мумкин. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) наздларида: агар у бой оила қарамоғида яшаётган бўлса, унга закот берилмайди.



ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ ҚУДДУСГА КИРИШИ

Рамазоннинг ўн учинчи куни: милодий 636 йил 18 октябрда (ҳижрий 15 йил) Умар ибн Хаттоб Қуддус шаҳрига кириб бордилар ва шаҳар аҳолисига омонлик аҳдномасини ёзиб бердилар



Тарих китобларида Ислом оламининг ҳукмдори Ҳазрати Умарнинг (розияллоҳу анҳу) Қуддус шаҳрига кириб боришлари шундай тасвирланган: “Қуддусликлар халифангиз келсагина шаҳарни сизларга топширамыз, дейишади. Ҳазрати Умар бир туя, бир хизматкор билан Мадинадан Қуддусга равона бўладилар.

Адолатли Умар (розияллоҳу анҳу) ва хизматкор навбати билан туяга миниб боришади. Улар қуддусга яқинлашганларида шаҳар аҳли “халифа келяпти” деб шаҳар дарвозаси калитларини топшириш учун унинг истиқболига чиқади. Шу пайтда туяга миниш навбати хизматкорда эди. У туяда, халифа эса пиёда туяни етаклаб кетаётди. Бир жойда халифа Умар сувдан кечиш ўтиш учун почаларини шимариб олади. Энди бир тасаввур қилиб кўринг: Ислом давлатининг бош раҳбари яланг оёқ, бош яланг, почалари шимарилган ҳолда Ислом қўшинларига мағлуб бўлган шаҳарга кириб бораётди.

Қуддусни қамал қилган Ислом қўшинларининг бош қўмондони бу манзарадан хижолат бўлиб, халифага таъна қилди: “Эй Умар, айб бўлади, биз бу ҳолдан уяламиз”. Ҳазрати Умар шунда унинг кўксига бармоқларини ниқтаб: “Кўзимдан йўқол, агар шу сўзингни олдинроқ айтганингда вазифангдан олиб ташлардим. Иззат – Исломдадир, қилиқ-қиёфатда эмасдир!” дедилар.

Ҳазрати Умар шаҳарга киргач, Қуддус ва Лудда насронийлари билан имзолаган омонлик аҳдномасига (хавфсизлик декларациясига) мувофиқ шаҳардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини босиб олмасликлари, уларда ўз ибодатларини ва сиғинишларини амалга оширмасликлари кафолатлаб берди ва бу аҳдномага ўзи содиқ қолди”.

Рамазоннинг ўн бешинчи куни: милодий 625 йил 1 мартда (ҳижрий 3 йил) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) сеvimли набиралари Имом Ҳусайн туғилдилар

ҲУСАЙН ИБН АЛИ

Имом Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу), ҳижрий 3 (милодий 625) йили туғилганлар. Имом Ҳусайн ҳазрати Алининг Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қизлари Фотимаи Заҳродан туғилган кичик ўғиллари, Пайғамбаримизнинг суюкли набиралари эди. Шиалар бу кишини учинчи имом санашади. 669 йили акалари Имом Ҳасан ўлдирилганларидан кейин Ҳазрати Али тарафдорлари Ҳусайн ибн Алини ўз раҳбарлари деб эълон қилишади. 680 йили халифа Муовия вафотидан сўнг Ироқда умавийларга қарши ҳаракат кучаяди. Имом Ҳусайн Муовиянинг ўғли Язидга байъат қилишдан бош тортадилар. Етмиш жангчи билан Маккадан Куфага Язидга қарши курашга чиққан Ҳусайн Карбало даштида Язиднинг тўрт минг кишилик қўшини билан тўқнашдилар. Жангда шаҳид бўлиб, шу ерга дафн этилганлар. Шиалар у зот ҳалок бўлган куни мотам қилишади.

Рамазоннинг ўн еттинчи куни: милодий 660 йил 24 январда (ҳижрий 40 йил) Хулафои рошидиннинг тўртинчиси Ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҳҳаҳу) ҳамда 676 йил 12 июлда (ҳижрий 56 йил) мўминлар онаси Ҳазрати Оиша (розияллоҳу анҳо) вафот этишди

АЛИ ИБН АБУ ТОЛИБ

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб (каррамаллоҳу ваҳҳаҳу) ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) каби Макканинг Қурайш қабиласи,

Ҳошимийлар уруғидан. Милодий 600 йили Маккада туғилганлар. Расули акрамни ҳимояга олган амакилари Абу Толибнинг ўғиллари, оналари Фотима бинти Асад. Абу Толибнинг оиласи катта, шароити оғир бўлгани учун кичик ўғиллари Али беш ёшидан Расулulloҳ уйларида турдилар. У зотнинг тарбияларида бўлиб, ирфон ҳазиналаридан файз олдилар. Пайғамбаримизнинг қизлари Фотимаи Заҳрога уйланиб, куёв бўлдилар. Сарвари Коинотга пайғамбарлик келганида ўн ёшда бўлган Али Ҳазрати Хадичадан кейин иккинчи бўлиб мусулмонликни қабул этдилар. Ҳазрати Алининг бутун ҳаётлари Расулulloҳ алайҳиссалом билан ёнма-ён кечди. Ҳижрат асносида Пайғамбаримиз ҳимоялари учун ҳаётларини ҳавф остига қўйиб, у зотга Қубода етиб олдилар. Ислом душманлари билан бўлган жангларида барчасида буюк қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафот этганларида жасадларини ўзлари ювдилар. Ҳазрати Али бирор марта бутга сиғинмаганлари ва жоҳилият ифлосликларидан узоқда бўлганлари учун «каррамаллоҳу ваҷҳаҳу» (Аллоҳ юзларини мукаррам қилсин) деб сифатланганлар. Бу зот катта олим, Қуръони карим билимдони, фозил, саҳий, юксак тақво соҳиби, Исломнинг машҳур нотиғи ва воизи эдилар. Расули акрамдан 586 та ҳадис ривоят қилганлар. Ашараи Мубашшарадан ва Ҳулафои рошидиннинг тўртинчиси эдилар. Беш йил халифалик қилдилар. Умрлари охирида Куфада яшаб, ҳижрий 40 (милодий 661) йили ўн еттинчи рамазон куни хаворижлар юборган Абдурахмон ибн Мулжам деган шахс томонидан ҳалок этилиб, шаҳид бўлдилар.

ОИША БИНТИ АБУ БАКР

Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳо), Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжаи мутоҳҳаралари, илк Ислом халифаси Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг қизларидир, оналари Умму Румон Зайнаб бинти Омир эди. Ҳазрати Оиша ҳижратдан саккиз йил олдин Маккада туғилганлар. Пайғамбаримизга эркаклар орасида энг суюмли киши Ҳазрати Абу Бакр бўлсалар, аёллар орасида Оиша онамиз эдилар. Пайғамбарлик даврининг ўн учинчи йили Ҳазрати Оиша Расули акрамга фотиҳаландилар. У зотдан уч йил кейин ҳижрат қилдилар. Илк ҳижрат йили Оиша онамиз ҳазрати Расулulloҳга турмушга чиқдилар. Пайғамбаримиз сўнги кунларини ҳам Ҳазрати Оишанинг хонасида – «Ҳужраи Саодат»да ўтказиб, ҳатто омонатни шу ерда Эғасига топширганлар. Икковлари саккиз йилу беш ой турмуш қилишди. Ислом тарихида ҳазрати Оишанинг мавқелари баланд бўлган, бу зот тафсир, ҳадис, фикҳ илмларида пешқадам бўлганлар. Шаръий ҳукмларнинг тўртдан бири Оиша онамиз ривоятлари асосида ишлаб чиқилган. Оиша бинти Абу Бакр Расулulloҳдан кўп ҳадис ривоят қилишда олдинги ўринларда турадилар (2210 та). Ҳижратнинг 58 (милодий 679) йили олтиш беш ёшда Мадинада вафот этдилар. Васиятларига биноан «Жаннатул-Бақий»га дафн этилдилар. Жанозаларини Марвон замонида Мадина волиий бўлган Абу Ҳурайра ўқидилар.

Рамазоннинг ўн саккизинчи куни: милодий 642 йил 20 августда (ҳижрий 21 йил) "Сайфуллоҳ" лақабини олган ва умрини Ислом равнақиға бағишлаган Холид ибн Валид (розияллоҳу анҳо) вафот этди

ХОЛИД ИБН ВАЛИД

Абу Сулаймон Холид ибн Валид ал-Қурайший ал-Маҳзумий (розияллоҳу анҳо) таниқли саҳобий, Ислом дунёсининг, ҳатто бутун инсоният тарихининг энг буюк қўмондонларидан бўлган. Холид ибн Валид Ҳудайбия сулҳидан кейин, ҳижрий 8 (милодий 625) йили Мадинада, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳузурларида Исломни қабул қилганлар. Шундан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом билан барча ғазотларда қатнашдилар. Ислом уммати олдидаги буюк хизматлари учун Сайфуллоҳ (Аллоҳнинг қиличи) унвонини олганлар. Расули акрам вафотларидан кейин Ҳазрати Абу Бакр ва Умар замонларида Ислом қўшинлари бош қўмондони сифатида Ироқ ва Шом фатҳларида қатнашганлар. Византияга қарши урушда зафар қозондилар. Кейин Шомда волий бўлганлар. Ҳижрий 21 (милодий 642) йили Шомнинг Хумс шаҳрида вафот этдилар.

Рамазоннинг йигирма иккинчи куни: милодий 630 йил 12 январда (ҳижрий 8 йил) Тоиф шаҳри мусулмонлар қўлига ўтди. Йигирма саккизинчи куни: милодий 631 йил 1 январда (ҳижрий 9 йил) Тоифдаги Сақиф қабилиси Расулulloҳ (алайҳиссалом) ҳузурларида Исломни қабул қилди

ТОИФЛИКЛАР МУСУЛМОН БЎЛДИ

Тоиф ҳозирги Саудия Арабистонидаги бир шаҳар бўлиб, у Маккадан 60 мил (115 км.) узоқликда жойлашган. Ислом келганида Тоифда яшовчи Сақиф қабилиси бутпараст бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом тоифликларни Исломга даъват қилиш мақсадида Макка даврининг ўнинчи йили шавволида (милодий 609 йили) Тоифга сафар қиладилар. Шаҳар аҳли ўн кун мобайнида қилинган даъватга қулоқ солмади, аксинча Расулulloҳ ва у зотнинг шерикларини тошбўрон-ҳақоратлар билан Тоифдан қувиб чиқаради. Макка фатҳидан кейин Ҳунайн ва Автос ғазотларида мағлубиятга учраган бутпараст Ҳавозин қабилиси раиси Малик Тоифга қочиб борган эди. Чунки шаҳар бутпарастликнинг охириги уяси бўлиб турарди. Шунинг учун мусулмонлар Тоифни қамалга олишди. Бир ойлик қуршов ва ҳужумлардан кейин улар шаҳарни ташлаб кетишди. Тоифликлар бир қанча вақт ўтиб мусулмонликни қабул қилишди ва бутларни парчалаб ташлашди.

Рамазоннинг йигирма бешинчи куни: милодий 1070 йили (ҳижрий 463 йил) Салжукийлар султони Алп Арслон қўшини Малазгирт яқинида Византия империяси ва салибчиларини тор-мор этди

АЛП АРСЛОН

Салжукийлар ҳукмдори Тўғрулбекнинг ўғли, атоқли Ислон ҳукмдори ва лашкарбошиси. Вақти келиб таназзулга юз тутган салжукийлар империяси Тўғрулнинг шу ўғли туфайли ўз куч-қудратини қайта тиклади. Аббосийлар заифлашганини кўриб ҳаддан оша бошлаган византияликлар ўзларига чегарадош подшоҳликлар вужудга келиши билан мусулмонларга қарши сурункали уруш олиб боришга киришдилар. Алп Арслон Кичик Осиёга юриш қилиш билан ўз қўшинларини дин ҳимоясига отлантирди. Манзикерт яқинида Византия императорига қақшатқич зарба бериб, ўзини асир олди. Ўша ғалабадан кейин мусулмонлар Кичик Осиёнинг қоқ юрагига кириб бориб, у ерда маҳкам ўрнашиб олдилар. Шундан бери улар Онадўлини тарк этмадилар. Алп Арслон ўз амакиваччаларидан бири Сулаймон Қутлимишни Кичик Осиё марказининг ҳокими қилиб тайинлади. Бу ўлкани мусулмонлар Рум деб атай бошлашди. Рум салжукийлари у ерда усмонли турклар пайдо бўлгунга қадар ҳукмрон бўлиб туришди. Улар дастлаб Никонни ўзларига пойтахт қилиб олдилар, лекин 1084 йилда салжукийлар бу мамлакатнинг энг йирик кенти Икониум (Кўнён)ни забт этиб, у ерда мустаҳкам қўним топдилар. Византиянинг Кичик Осиёдаги энг бой ва гўзал шаҳарчаси бўлган Икониум Рум салжукийлари даврида катта шаҳарга айланди.

Рамазоннинг йигирма олтинчи куни: милодий 1401 йил 16 мартда (ҳижрий 808 йил) машҳур қомусий олим ва тарихчи Абдурраҳмон ибн Халдун вафот этди

ИБН ХАЛДУН

Абдурраҳмон Абу Зайд ибн Муҳаммад, Ибн Халдун куняси билан дунёда машҳур Ислон олимларидан. Ибн Халдун милодий 1332 йили Тунисда туғилган. У илм олишга эрта киришиб, тез орада таниқли араб муаррихи ва файласуфи, сотсиология фанининг асосчисига айланди. Ибн Халдун ўрта асрларнинг яна бир атоқли олими Ибн Рушднинг издоши эди. Ибн Халдун 1349-1375 йиллари Тунис, Фас, Фарнота, Жазоир ҳукмдорлари саройида катта мансаблар эгаси бўлган. Кейинчалик кўп йиллар Мисрда мударрислик қилган. Умрининг охирида моликий мазҳабадагиларнинг қозиси бўлган эди. «Китабул-ибар» ва «Ал-Муқаддима» унинг асосий асарлари ҳисобланади. Милодий 1406 йили Қоҳирада вафот этган.

Рамазоннинг ўттизинчи куни: милодий 869 йил 31 августда (ҳижрий 256 йил) буюк муҳаддис, "Саҳиҳул Бухорий" муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этди

ИМОМ БУХОРИЙ

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйра ибн Аҳнаф Яздабиҳ ал-Бухорий муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илми олимларининг устозидир. Имом Бухорий ҳижрий 194 (милодий 810)


йили Бухорода туғилганлар. Етимликда ўсиб, тўққиз ёшда Қуръони каримни тўла ёд олдилар. Ҳадис эшитишни яхши кўрар, вояга етгунча етмиш минг ҳадисни ёд олган эдилар. Ўн саккизга кирганида она-бола ҳаж сафарига жўнашади, Муҳаммад ҳадис ўрганиш мақсадида Маккада қолади. Кейин илм талабида Бағдод, Куфа, Миср, Хуросон, Шом, Ҳижоз, Басрада бўлади.

Имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шундан 100 минг саҳиҳ, 200 минг заиф ҳадисни ёд олганлар, буларни тўплашда тўқсон минг киши ҳузурда бўлганлар. Ушбу ҳадислар ичидан саҳиҳларини аниқлаб, улар асосида ўзининг машҳур «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ўн олти йилда ёзиб тугатганлар. Унда етти мингдан ортиқ саҳиҳ ҳадисни бобларга ажратиб, тартибли равишда жамлаганлар. У киши ҳар бир ҳадисни алоҳида ғул қилиб, икки ракат намоз ўқиб, кейин китобга қайд қилар эдилар.

Ўз даврининг атоқли уламоларидан имом Ҳоким айтади: «Бу дунё остин-устун қилиб юборилса ҳам Бухорий каби ҳадис билувчи ва уни ёд олувчи одам топилмайди». Маражжа ибн Ражаб эса: «Имом Бухорий Аллоҳнинг Ерда юривчи мўъжизаси эди», деган. Имом Бухорий имом Муслим, Термизий, Насай ва бошқаларга устоз бўлган. «Ал-Жомеъ»дан ташқари, Имомнинг «Ал-Муснад ал-кабир», «Ат-Тарих ал-кабир», «Ат-Тафсир ал-кабир», «Ал-Ҳадис ан-Набавий», «Китобу асмои саҳоба», «Ат-Тарих ас-сағир», «Холқу афъоли ибод», «Зуафоус-сағир», «Ал-Адабу ал-муфрад» ва бошқа асарлари бор.

Имом Бухорий ҳижрий 256 (милодий 870) йили рамазон ҳайити кечаси вафот этиб, ҳайит куни дафн қилиндилар. У кишининг мақбаралари Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида бўлиб, ҳозирда у жойда муҳташам ёдгорлик барпо қилинган.





“ОЛТИН СИЛСИЛА” НАШР ЭТИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК МАРТА “ОЛТИН СИЛСИЛА” РУКНИ ОСТИДА “САҲИҲ ТЎҚҚИЗТАЛИК” КА КИРУВЧИ ҲАДИСЛАР ТЎПЛАМИНИ АРАБ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НАШР ЭТИШГА КИРИШИЛДИ. ЮРТИМИЗ МУСУЛМОНЛАРИ ДУНЁГА МАШҲУР ТЎҚҚИЗ ҲАДИС КИТОБИГА КИРГАН ЭАЛИК МИНГТА ЯҚИН ҲАДИС ВА УЛАРГА ШАРҲЛАРНИ ЎЗ ОНА ТИЛЛАРИДА ЎҚИШГА МУЯССАР БЎЛИШАДИ

Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал дини – Ислоннинг биринчи масдари, ҳукмлари ва таълимотларининг асосий манбаи Қуръони каримдир. Шунингдек, Ислоннинг Қуръондан кейинги иккинчи масдари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатлари, ҳадислари эканига ҳам ҳеч шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам ушбу мутахҳар Суннатни, ҳадисларни ўрганиш ҳар бир мусулмон инсон зиммасидаги муқаддас бурчдир. Чунки ҳадисни – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, амаллари ва иқрорларини билмай туриб, Ислонни билдим, унга амал қилдим, дейиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам барча мусулмонлар ҳадис илмига алоҳида ҳурмат билан қарашган ва бу илмни ўрганишга катта эътибор беришган. Жумладан, диёримизда ҳам бу ишга

катта аҳамият берилган ва оламшумул натижаларга эришилган. Ҳижрий 1431 йилнинг 3-Рамазонида, чоршанба куни Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан “Олтин силсила”га кирувчи ҳадис китобларини таржима қилишга киришилди ва ордан икки йил ўтиб бу китобларнинг биринчи жилди нашрдан чиқди. «Олтин силсила» туркумининг биринчи жилди буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони имом Бухорий ҳазратларининг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламидан бошланади. Мазкур тўплам айна шу йўналишда биринчи бор амалга оширилаётган улкан илмий иш бўлиб, диний-маънавий меросимиздан халқимизни янада кўпроқ баҳраманд қилиш йўлидаги яна бир катта амалий қадамдир.

“Олтин силсила” ўз аҳамиятига кўра нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ҳамдўстлик мамлакатларида илк

бор амалга оширилаётган улкан илмий иш бўлиб, оламшумул аҳамиятга эга. Бундай йирик тўплам нафақат ўзбек халқи учун, балки дунё аҳолисининг аксар қисми учун катта бир янгилик ҳисобланади. Ана шу эътибордан ушбу илмий ҳаракат ҳақида дунёдаги йирик исломий ташкилот ва кўзга кўринган уламоларга мурожаат қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари сўралган эди. Миср Араб Республикаси муфтийи доктор Али Жума, Жаҳон Уламолар кенгаши Бош котиби доктор Али Муҳйиддин Қорадоғий, фазилатли шайх доктор шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий, Ислон фикҳи академиялари аъзоси доктор Ваҳба Мустафо Зухайлий, Маккаи мукаррамадаги "Қуръон ва Суннат бўйича илмий мўъжизалар Ҳайъати" Бош котиби Абдуллоҳ Муслиҳ ва давримизнинг бошқа йирик олимларидан силсила лойҳасига билдирган тақриз ва мулоҳазаларини лутфан тақдим этишди. Бу ҳадис китоблари илмий асосда, халқаро андозаларга мувофиқ равишда, юртимиздаги етук ва малакали олимлар ва мутахассислар иштирокида таржима қилиниб, ўзига хос ҳадис энциклопедияси тузишга киришилди.

Уламоларимиз томонидан ҳадисларни жамлаш бўйича қилинган ҳаракатлар натижасида юзлаб, балки минглаб нодир асарлар дунёга келган. Бу асарлар ичида катта ҳадис тўпламлари алоҳида ўрин тутиши табиий. "Олтин силсила" руқни остида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини халқимизга етказиш учун ўша китоблар ичидан энг мўтабар саналган, кўпчилик томонидан саҳиҳ, ишончли деб эътироф этилган тўққиз ҳадис тўпламини танлаб олинди. Уларнинг бошида Ислон уммати қадимдан эътироф қилиб келаётган энг мўтабар олти ҳадис китоби ўрин олган. Қолган уч ўринга мазкур олтиликнинг олтинчи ўрнига даввоғарлик қилган ҳадис китоблари танланди. Бу тўққизта китоб ҳадис уламолари орасида «Саҳиҳ тўққизталиқ» деб ҳам юритилади. Улар қуйидагилардир:

1. «Саҳиҳул-Бухорий» (7563 та ҳадис).
2. «Саҳиҳи Муслим» (7479 та ҳадис).
3. «Сунани Абу Довуд» (5274 та ҳадис).
4. «Жомеъи Термизий» (3956 та ҳадис).
5. «Мужтабои Насайи» (5758 та ҳадис).
6. «Сунани Ибн Можа» (4341 та ҳадис).
7. «Мувааттои Молик» (1843 та ҳадис).
8. «Сунани Доримий» (3465 та ҳадис).
9. «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон» (7096 та ҳадис).

Баъзи манбаларда «Саҳиҳ тўққизталиқ»нинг тўққизинчи китоби сифатида «Муснади Аҳмад» ҳам кўрсатилади.

Бу китобларнинг биринчи олтитаси энг саҳиҳ ва санади олий ҳадис китобларидир. Булар Ислон уммати ичида катта шухрат топган олти асл китоблардир. Ислон уммати уларни бир овоздан ҳадиси шарифларни жамлаш борасидаги энг саҳиҳ ва мўтабар китоблар деб эътироф этган, чунки улар шариатдаги энг асосий ва энг қимматли маълумотларни ўзида жамлагандир. Балки имом Нававий роҳматуллоҳи алайҳи таъкидлаганидек, «Шариатнинг барчаси шулардир». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуда оз ҳадисларигина ушбу олтита асл китобдан четда қолган. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу китоблар инсон икки дунё саодатига эришиши учун муҳтож бўладиган нарсаларни ўз ичига олгандир.

Мазкур олти ҳадис китобларига қўшилган кейинги уч китоб ҳам улардан қолишмайди. Бу уч китобдан ҳар бири олти саҳиҳ китоб ичидан жой олишга ҳақли эканини кўпчилик уламолар таъкидлашган. Улар ўзларидан олдинги олти китобни қўллаб, қўшимчалар билан тўлдирди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини яхши ният билан, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ёрдам сўраган ҳолда таржима қилишга киришар эканмиз, тўққизта энг мўтабар ҳадис китобларидан ташкил топган ушбу оламшумул тўпламга «Олтин силсила» деб ном қўйишни маъқул топдик.

Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу ҳадис китоблари мусулмонлар учун Қуръони каримдан кейинги энг ишончли, тўғри ва баракотли китоблардир. Уларни мусулмонлар доимо эъзозлаб келганлар, ўқиб-ўрганганлар ва бу дунё ҳамда охиратлари учун улардан жуда кўп фойда олганлар. Шунинг учун ҳам бу буюк манбаларни халқимизга таржима қилиб тақдим этиш фақат яхшиликка, хайру баракага сабаб бўлади.

Ушбу силсилада танланган китобларнинг қанчалик аҳамиятга эга эканини таърифлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Бу китоблар Ислон дининг асослари ҳисобланади. Уламоларимиз ушбу китобларда Аллоҳнинг сўнгги Расули Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, суннатлари умумий мазмунда ўз ифодасини топган, дея таъкидлашади. Буларга кирмай қолган ҳадислар жуда оз. Шу билан бирга, бу китобларда келган ҳадисларнинг деярли барчаси илмий асосда саҳиҳ, ишончли экани тасдиқланганига мутахассис уламолар иттифоқ қилишган.

Энди бу китобларнинг ҳаётимизда тутган аҳамиятига келсак, «Олтин силсила» туркумидаги таржима қилинаётган китобларнинг ҳар бир жамият, жумладан, бизнинг жамиятимиз учун аҳамияти жуда каттадир. Зотан, бу китоблар аввал айтиб ўтганимиздек, Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба, унинг шарҳи, ҳаётга татбиқи ва инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб таълимотларнинг асосидир. Шу билан бирга, яна қуйидаги фойдаларни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин:

1. Бу китобларнинг бирор ватанда ва халқда борлигининг ўзи барака, яхшилик, тинчлик-омонлик, фаровонлик ва бошқа хайрли ишларнинг сабабчисидир. Бу борада машҳур муҳаддис Ибн Дақийқулийд раҳматуллоҳи алайҳнинг қуйидаги машҳур гапларини келтирмай иложимиз йўқ: «Мўғул истилосининг мағлубиятлари уларга қарши масжид ва мадрасаларда қилинган Бухорий хатмларидан сўнг бошланган» (Абдулазиз Дехлавийнинг «Бўстонул муҳаддисийн» китоби, 223-бет).
2. Жамият ва шахс камолотида иймон, эътиқод масаласини олиймаком асосда йўлга қўйиш ва тутиб туришда ҳадис китобларининг ўрни жуда муҳимдир.
3. Ҳадис китобларининг жамият аъзоларини илм-маърифатга чорлаш борасидаги хизматлари ўта аҳамиятлидир. Хусусан, ушбу силсиладаги китобларнинг барчасида илмга бағишланган алоҳида бўлимлар бор. Уларда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бир умр фарз қилингани қайта-қайта таъкидланади.
4. Ҳадисларнинг ҳар қандай жамият аъзоларининг ахлоқий тарбияси бўйича аҳамияти бекиёсдир. Боболаримиз яхшилик ва ахлоқнинг ҳақиқатини тўлиқ маънода Ислондан ўрганишган. Улар Аллоҳ таолонинг охириги ва мукамал, қарамли ахлоқлар дини бўлган Ислон дини орқали яхшилик ва ҳусни хулқни ўзларига касб қилишган. Улар ўзларининг одоблари, ахлоқлари билан дунё аҳлига намуна бўлганлар. «Олтин силсила»га кирган китобларнинг барчасида «Яхшилик ва ахлоқ китоби», «Одоб китоби», «Ҳусни хулқ китоби» деб номланган бўлимлар бор. Уларда кишилар яхши ахлоққа қақририлиб, ёмон хулқлардан қайтарилган.
5. «Олтин силсила»га кирган китобларнинг оилавий муносабатлар ва оила мустаҳкамлиги борасида кўрсатадиган хизматлари ўта қимматлидир. Бу силсиладаги китобларнинг барчасида никоҳ ва унга оид масалаларга бағишланган катта ҳажмдаги бўлимлар мавжуд. Уларда умр йўлдошини танлашдан тортиб, унаштирилиш, тўй, эр-хотинларнинг оиладаги мажбуриятлари, ҳақлари, ота-оналар ва фарзандлар орасидаги муносабатлар ва бошқа барча керакли ишлар бўйича тўла-тўқис маълумот ва таълимотлар берилган.
6. «Олтин силсила»га кирган китобларнинг жамият аъзолари иқтисодий тарбияси учун келтирадиган фойдалари беназирдир. Ушбу силсиладаги китобларнинг барчасида

жамият аъзоларида ҳалол касб қилиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳислатларини таркиб топтиришга хизмат қиладиган бўлимлар мавжуд.

7. Ҳадислар жамият аъзоларининг экологик тарбияси борасида улкан аҳамият касб қилади. Хусусан, ушбу силсиладаги китобларнинг барчасида инсонни ўраб турган муҳитдаги жамики мавжудотлар: жонсиз нарсалар олами, наботот олами, ҳайвонот олами – ҳамма-ҳаммаси унга Аллоҳ таоло берган неъматлар экани ва уларга нисбатан гўзал муносабатда бўлиш кераклигини ўқитувчи ҳадислар кўплаб келтирилган.
8. «Олтин силсила»га кирган китоблар жамиятда бағрикенглик тарбияси бўйича ҳам улкан аҳамият касб этади. Уларда келтирилган кўпгина ҳадиси шарифларда ирқи, миллати, келиб чиқиши ва динига қарамай, барча инсонлар биродар экани ва улар бир-бирларини ҳурмат қилган ҳолда тинч-тотув яшашлари ҳамда жамият равнақи йўлида, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозимлиги, ёмонлик ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилмасликлари зарурлиги қайта-қайта такрорланган.
9. Ҳадиси шарифлар жамият аъзоларига дунёда тинчлик ва осойишталик бўйича кураш олиб бориш лозимлигини англатишда катта аҳамиятга эгадир. «Олтин силсила»даги китобларда айнан ушбу мавзуда алоҳида боблар бор бўлиб, уларда берилган ҳадислар мазкур мақсадга эришиш йўлида улкан хизмат қилиши турган гап. Хулоса қилиб айтганда, ушбу «Олтин силсила»га кирган китобларда бугунги кунимизда инсонлар жамияти учун зарур бўлган барча эзгуликларга қақриқ ва жамиятга зарар бўлган барча разилликлардан қайтариқлар керагича топилади.

БИРИНЧИ ЖИЛД ТАҚДИМОТИ

Рамазон ойи арафасида «Олтин силсила» ижодий гуруҳи бу қутлуғ нашрнинг нишонасини олиб, Самарқанд вилоятига, Имом Бухорий мажмуасида китоб тақдимотини ўтказиш учун сафарга отланишди. Ижодий гуруҳ аъзолари фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бошчилигида Самарқанд шаҳрига келиб, даставвал Регистон мажмуасини томоша қилдилар. Шундан сўнг нафақат юртимиз, балки бутун минтақада ягона тарихий-меъморий обида – Шоҳи Зинда мажмуасига бориб, ҳазрати Қусам ибн Аббос розияллоху анҳунинг ҳамда ушбу мажмуага дафн этилган бошқа кўплаб улуғларни, азиз зотларни зиёрат қилиб, Қуръон тиловат қилиб, дуолар қилдилар, савобини ўтганларнинг руҳларига бахшида этдилар. Навбатдаги манзил соҳибқирон Амир Темури макбараси бўлди. Меҳмонлар Амир Темури бобомиз ҳамда у зотнинг ёнларига дафн этилган бошқа аждодларимизнинг қабрини ҳам Қуръон тиловати ва хайрли дуолар билан зиёрат этдилар. Сўнг «Ҳилол-Нашр» нашриёти дўконининг Самарқанд шаҳридаги шўъбаси очишлиш маросими бўлди.


Имом Бухорий мажмуасида ўтказилган «Олтин силсила» китобларининг илк нишонаси тақдимотида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳадис илмининг султони, юртимизнинг фахри ҳазрати Имом Бухорийнинг зиёрати «Олтин силсила» мажмуаси устида иш бошлангандан буён ният қилиб келингани, мажмуанинг яратилиш тарихи, бу улкан лойиҳа давомида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирдилар. Жумладан, «Олтин силсила» мажмуаси устида олиб борилаётган ишларнинг давлатимиз раҳбарияти томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани, давлат миқёсида мўътабар ҳайъат тузилгани, ушбу қомусий тўпламни энг юқори сифатда, халқаро матбаа андозалари савиясида чоп этилиши тавсия қилингани ҳақида айтиб ўтилди. Шунингдек, бу ишнинг нафақат юртимиз, балки бутун Ислом уммати учун оламшумул аҳамият касб этгани туфайли замонамизнинг энг нуфузли уламоларидан, халқаро исломий ташкилотлардан гўзал тақризлар, табриқлар ва хайрли дуолар олингани ҳам мамнуният билан зикр қилинди.

Шунингдек, бу қутлуғ кун хусусан рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқанд аҳли учун алоҳида фахр ва қувончга тўла кун эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, «Олтин силсила» мажмуасига киритилган тўққиз саҳиҳ ҳадис тўплами муаллифларининг уч нафари айнан Самарқанд тупроғининг вакиллари, буюк ватандошларимиздир. Шундай экан, «Набавий ҳадислар олтин силсиласи»нинг бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратларининг асарлари билан бошланиши, бу мажмуанинг салмоқли қисми она ватанимизни дунёга танитган улуғ муҳаддислар экани бугун нишонланаётган тарихий ҳодисанинг қадрини янада оширади.

Халқимиз бошидан ўтказган қора кунларнинг асорати ўлароқ бир неча юз йиллаб маҳрум бўлиб қолган энг бебаҳо бойлигимиз – динимизнинг асосини танитувчи Каломуллоҳ тафсирилари ва ҳадиси шарифларнинг тўлиқ матнларини яна қўлга олиш бахтига муяссар бўлди. Бу олий бахтга бизларни лойиқ кўрган Аллоҳ субҳонаху ва таолога чексиз ҳамду саноларимиз бўлсин!

Шундан сўнг ижодий гуруҳ ҳазрати Имом Бухорийнинг қабрлари томон йўл олди. Гуруҳ таркибидаги қорилар томонидан Имом Бухорийнинг руҳларига атаб ниҳоясига етказилган хатми Қуръонлар шу муборак даргоҳда якунланди. Бу муносиб туҳфалар бағишлангач, шайх ҳазратлари ушбу зиёратнинг моҳияти ва тарихий аҳамиятини таъкидлаб, ҳаяжон билан дуо қилдилар.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент.



ХУДБИНЛИКНИНГ КАСРИ

Худбинлик инсоннинг ўз “мени”ига тобеъ бўлишидир, қуллик қилишидир. Инсон ўз нафсини, ҳою ҳавасини, истакларини Аллоҳга бўйсундирмаса, Унга қуллик қилмаса, Унга итоат эттирмаса, у худбиндир, худбинлик тўрига илингандир. Худбинликнинг асл маъноси ҳар ишда, ҳар бир ҳаракатда “Узим бўлай”, “Фақат менга бўлсин, менинг айтганим бўлсин”, “Бошқалар билан нима ишим бор” қабилида фикр юритиш ва шунга интилишдир.

Худбинликнинг яна бир номи “манмансираш”, “кеккайиш”дир. Манмансираш, кеккайиш, ўзини бошқалардан устун кўриш худбинликнинг ноқобил фарзандларидир. Булар эса улғайгани сари Аллоҳ лаънатлаган, У зот суймайдиган кибр деган чоҳ томонга судрайди, охири ҳалок қилади.

Ҳаётда худбинликнинг кўринишлари турли ҳолатларда намоён бўлади. Фараз қилинг, бирор ноёб нарсани харид қилиш ёки муҳим бир ишингизни битириш учун навбат кутиб

турибсиз. Шу пайт олифталарча кийинган бир йигит қўлидаги калитини ўйнаб кириб келади-да, атрофидагиларга менсимайгина кўз қирини ташлайди ва уялиб ё тортиниб ўтирмай, тўғри навбатнинг бошига юради. У навбатда соатлаб турганларнинг норозиларча билдирган ҳақли эҳтирозларига ҳам, аччиқ-тизиқ дашномларига ҳам парво қилмай ишини тезроқ битирмоқчи бўлади. Чунки унинг хаста миясида биргина фикр: “Бошқалар билан нима ишим бор, менинг ишим битса бўлди, мен навбатда туришга мажбур эмасман!”

Ёки мана бу воқеага нима дейсиз: яқинда юмушим билан машинада кетаётган эдим. Бирдан йўлни кесиб ўтувчи темирйўлнинг шлагбауми ёпилиб, қатнов бир неча дақиқага тўхтаб қолди. Йигирма чоғли машинадаги одам бир қатор саф тортиб, поезднинг ўтиб кетишини кутиб турибмиз. Шу пайт “Мерседес” минган бир йигит бошқалар қатори сафланиб туришга сабри чидамади шекилли, чап томонга ўтиб, қаршидан



© Muhanad Sarminy | 2009

келадиған машиналарнинг йўлига чиқиб олди ва тўғри шлагбаум томонга қараб юрди. Кўп ўтмай унинг худбинлиги қимматга тушди: поезд ўтиб кетди ҳамки, машиналар жойида жила олмай ҳалак. Сабаби, бояги “Мерседес” ҳайдовчиси қаршидан келаётганларнинг йўлини тўсиб қўйган. Бунинг оқибатида қарши томондагилар йўл тополмай биз томондагиларнинг йўлига ўтиб кетибди. Хулласи калом, торгина темирйўл ўтиш жойидаги машиналар “тўпалони” ярим соатча давом этди. Бир кишининг худбинлиги натижасида қанча одам юмушидан кечикди, нечасининг асаби қон қақшади, қанчасининг дили хуфтон бўлди.

Кўпинча машина ҳайдовчилар худбинликда бошқа касбадагиларни бир чўқишда қочиряшади. Тўхташ жойига машинангизни қўйиб дўконга кирсангиз, бир худбин чиқиб кетишингизга жой қолдирмай машинасини қўйиб кетади. Ёки торгина йўлда қарама-қарши томондан келаётган икки ошна ҳаммани куттириб қўйиб, шахсий масалаларини муҳокама қилишга тушиб кетади, сиз эса қимматли вақтингизни соvuриб, уларнинг “суҳбати” тугагини кутишга мажбурсиз. Ёки айримлари қизил чироқ ёниб турганига ёки ўзгаларнинг ўтиши кераклигига қарамай, йўл беришни истамайди.

Худбин одамдан яхшилиқ, меҳр-оқибат, одамгарчилик, инсоф кутиш мушкул иш. У арзандасини ўқишга ёки ишга киритишда бунга ҳақли кишиларнинг риоясини қилиб ўтирмайди, барча воситаларини ишга солиб, ўз мақсадига эришади. У ўзининг минг сўм фойда кўриши эвазига давлатга, халққа миллионлаб сўм зарар келтиришдан ҳам қўрқмайди. У чет эллик манфаатпарастлардан озгина чўтал олиш учун юртимизга ғаразли мафкураларнинг, зарарли маҳсулотларнинг, бузуқ эҳтиқодларнинг киришига дарвозани ланг очиб беради. У охири пул ёки амал илинжида ватанини, иймон-эҳтиқодини, халқини сотишдан ҳам ор қилмайдиган бўлиб қолади.

Худбин кимса янги уй қураётганида кўпчилик фойдаланадиган кўчадан юлиб қолишга уринади, оқавасини, тарновининг сувини кўчага ёки қўшнисиникига чиқаришга ҳаракат қилади. Дўконининг пешайвонини кўчага чиқариб, одамларнинг йўлини торайтиради, ўтишига қийинчилик туғдиради. Ўзидан илмда, касб-хунарда пешқадам бўлганлар билан ҳолис рақобат қилиш ўрнига уларга душманлик қилишга ўтади, ҳатто касодга учратиш ёки жиддий зарар келтириш пайдидан бўлади. У ночор ҳаммаҳалласининг илтимосини рад этади, муҳтож кишига ёрдамга ошиқмайди, қийинчиликка тушган биродарининг оғирини енгил қилмайди, бемор қариндошининг ҳолидан хабар олмайди. Худбин киши ярим кечаси мусиқани варанглатиб қўйишдан ийманмайди, уйдан чиққан ахлатни қўшнининг гулзорига улоқтиради, дўстининг ютуғидан асло қувонмайди. Худбин киши ҳатто хотинию фарзандларидан ҳам яхшилигини, ёрдамини, меҳрини қизғанади. Хулласи, худбин киши одамларга фойда келтириш ҳақида мутлақо бош қотиргиси келмайди. Чунки у худбин, манмансираган, кеккайган, унинг нафси, шайтони, ҳою ҳаваси одамлардан ўзини устун кўришга, уларни менсимасликка тинмай тарғиб этиб туради.

Худбинлик оқибатида катта-катта хайрли ишлар амалга ошмай қолади, улўғвор лойиҳалар қоғозларда қолиб кетади, қанчалаб муҳим ишлар ўз аҳлларига, шу ишга муносиб одамлар қўлига топширилмайди. Бу дарднинг касридан давлатларга, жамиятларга, халқларга жиддий иқтисодий ва маданий зарарлар етади.

Динимиз худбинликни, кеккайиш ва манмансирашни қаттиқ қоралайди. Чунки бу иллатлар Аллоҳ ёқтирмайдиган мутакаббирликка олиб боргани учун мусулмонлар булардан қайтарилган. Банда худбинлик, кеккайиш туфайли Аллоҳ таолонинг азамати ва қудратига нисбатан исён қилган бўлади, Унга итоатсизлик кўрсатган бўлади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бандаларини ўз ҳузурида ҳамиша ҳоксор, итоатли, қўллик қилган ҳолда кўришни истайди. Худбин кимсада эса буларнинг акси бўлади. Ҳадиси қудсийда бундай дейилган: “Эй одам фарзанди, Менинг азаматимга (улўғворлигимга) бўйини эгилган кишилар орасидаги яратганларимга ман-

манлик кўрсатма! Кунларини Менинг ёдим (зикрим) билан ўтказганларнинггина намозлари қабул қилинади”.

Абу Яъло Шаддод ибн Авсдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Оқил ўз нафсини доимо ҳисоб қилиб, вафотидан кейинги фойда берувчи ҳаёти учун амал қилувчи, ожиз эса ҳавойи нафсига тобеъ бўлатуриб, яна Аллоҳдан мағфират умид қилувчи кишидир», деганлар (Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Худбин бўлмаслик учун одамлар билан муносабатларда жуда эҳтиборли бўлиш лозим. Бошқаларнинг айбини улар олдида ҳам, ортидан ҳам гапирилмайди. Агар ҳеч ким бўлмаса, бировнинг айбларини ўзига билдирса бўлади. Чунки Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Киши биродарининг кўзгусидир”, дейилган. Одамларга рад жавобини айтишдан, бефойда баҳслашиш, тортишиш ва муноқаша этишдан тийилиш зарур. Биродари билинишини истамайдиган ҳолатлардан савол этмаслик, унга йўлиққан вақтда “Қаерга кетяпсиз?” деб сўрамаслик керак, балки у бораётган жойини билдиришни истамас.

Имом Муслим ривоятидаги саҳиҳ ҳадиси шарифда: “Мусулмон мусулмонга дўст-биродар, унга зулм ҳам этмайди ва уни ўз ҳолига ташлаб ҳам қўймайди”, дейилган. Юқорида айтганимиздек, худбинликнинг охири кеккайиш, манмансираш, ўзини бошқалардан устун қўйишга олиб боради. Шундан кейин эса кибрга, калондимоғликка бир қадам қолади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоху анхундан ривоят этилади: “Икки нарсда ҳалокат мавжуд: манмансираш ва ноумид бўлишда”. Умидсиз киши ҳеч қачон талаб қилмайди (интилмайди). Манмансираган киши муродимга етдим, деб гумон қилиб саъй-ҳаракат қилмайди. Чиндан ҳам манмансираш, худбинлик инсонни кибрга даъват қилади, зеро у кибрликнинг бир сабабидир. Манмансирашдан кибр туғилади. Кибрдан эса жуда кўплаб офатлар вужудга келади. Кўплар ота-боболарининг насаби ва машҳурлиги, бойлиги ёки мансаби билан кеккайди. Булар асло фахрланишга, манмансирашга сабаб бўла олмайди.

Абу Ҳомид Ғаззолий ёзади: «Кеккайишлик жумласидан яна хато фикри билан кеккайишни зикр қилиш мумкин. Аллоҳ таоло хабар бериб айтади: “Қабиҳ амал қилган ботил чиройли амал қилган баробар-тенг бўладими? Ҳақни ботил ва ботилни ҳақ деб билиш билан ҳақни ҳақ деб ва ботилни ботил деб билувчилар баробарми? Лекин ҳидоят ва залолат Аллоҳнинг қўлидадир” (Фотир сураси, 8-оят).

Бу дарднинг иложи бошқаларига қараганда қийин ва қаттиқроқдир. Зеро, бу дардга мубтало бўлган одам ўзининг фикри билан кеккайди ва унга қойил қолади. У насиҳат этувчининг насиҳатига қўлоқ солмайди. У нажот деб эътиқод этган нарсани қандай қилиб тарк этади? Бу дарднинг умумий муолажаси шуки, бу дард соҳиби ўз фикрини доимо танқид-тафтиш этиши, фикрига ғурурланмаслиги лозим. Қуръони карим, Суннати набавия ёки далиллар шартларини ўзида жам қилган ақлий далилни ўзининг фикрига қатъий далил қилиб келтириши лозим. Бунга у илм аҳли мажлисларида иштирок этиш ва Қуръони карим, Суннат билимларида кўп тажриба ҳосил қилиш орқали етишади».

Хулласи калом, худбинлик, манмансираш мусулмонлар қайтарилган зарарли иллатлардандир. Унинг зарарини барча инсонлар ҳар қадамда, ҳар лаҳзада ўз тажрибаларида кўришади. мусулмонларимиз шу боис ҳам худбинлик, манмансираш хасталигидан тезроқ қутулишлари, бу иллатлардан узоқроқ юришлари лозим.

Аҳмад АХСИКАТИЙ.

ДУНЁ РАМАЗОННИ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАЙДИ?

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА

Пайғамбар алайҳиссалом шаҳарлари Мадинаи мунавварада Рамазон ойи бошқа ойларга қараганда ўзгача шукуҳ, файз, ибодатга бой ҳолда, катта тайёргарликлар билан бошланади. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам Рамазоннинг биринчи кун қабил аёки хонадон аъзолари унинг энг улуғи хонадонига тўпланиб, бу муборак ойни қаршилашган. Кейин ифторлик ва саҳарлик зиёфатлари бошқа хонадонларга кўчган. Ўттиз кун мобайнида қариндош-уруғлар бир-бирларини ифторликка чорлашади. Ҳар Рамазонда Масжиди Набавийда мусофирлар ва муҳтожлар учун ифторлик ва саҳарлик дастурхонлари солинади. Бутун шаҳар хуфтон ва таровеҳ намозларини ўқиш учун масжидга оқиб келади. Болалар Рамазоннинг биринчи, ўн бешинчи кунлари ва ҳайит оқшомида “Жабухума жабуху” деб рамазон кўшиқларини айтишади. Рамазон ойида умра қилиш учун келганлар масжиддаги ибодатлардан ташқари Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак қадамлари теккан Қубо, Қиблатайн, Жума, Сабаъ масжидларини зиёрат қилишади, рутоб хурмолари ва Мадинанинг машҳур кўкатларидан харид қилиб, ифтор дастурхонларини безашади.

МИСРДА

Қоҳирада бу фазилатли ой билан боғлиқ “Рамазон фонуси” деган одат бор. У фотимийларнинг илк халифаси Муизз давридан қолган. Халифа аёлларнинг кўчада кечаси юришларини ман этган эди. Фақат Рамазон ойидагина бир боланинг фонус (чирок) тутган ҳолда олдинда кузатиб бориши шарт билан кечаси кўчага чиқишига рухсат берилган. Мана шу одат эътиборидан Рамазон фонуси Миср халқининг рўза ойини кутиб олиш аломатига айланган. Рамазон фонуси болаларнинг қувончи сифатида бугун ҳам давом этяпти. Мисрда рамазон ойида тижоратчилар сотаётга моллари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини одатдагидан анча пасайтиришади.

МАРОКАШДА

Мамлакатда Рамазон ойи киришига катта тайёргарлик кўрилади: уй ва ҳовлилар тозаланади, оқлаб-бўялади, имкониятга қараб янги жиҳозлар, кийим-кечак, рўзгор ашёлари харид қилинади. Рамазон ҳилоли кўрингани заҳоти тўплардан ўқ отиб рўза ойи бошлангани маълум қилинади. Кўча, томларни тўлдирган болалар рамазон кўшиқларини, саловот ва наътларни айтишади, дўмбира чалиб, севинчларини изҳор қилишади. Масжидлар ибодатга келганлар билан тўлиб кетади.

Ифтор яқинлашганида шаҳарларнинг кўчалари ҳувиллаб қолади. Хонадонларда дастурхонлар хурмо, сут, араб қандолатлари ва албатта харира (марокашча томат шўрва) билан безатилади. Улкан “Ал-Мағриб” жомеъидан азон янграши билан ифторлик бошланади. Шомдан кейин болалар кўчаларни тўлдириб ўйин бошлаганида катталар ибодат ва маърифий суҳбатлар тинглашга масжидларга ошиқишади.

ЖАЗОИРДА

Жазоирликлар одатда хурмо ва сут билан оғиз очишади, масжидга бориб шом намозини адо этишгач, уйга қайтиб ифтор қилишга киришишади. Масжидларда амри маъруф суҳбатлари, Қуръон мусобақалари бўлади. Рамазон ойида бойлар жуда саховатли бўлиб кетишади, муҳтож ва ғарибларнинг кўнглини овлашади, ҳадя ва хайриялар улашишади, ифторлик ва саҳарлик дастурхонлари тузашда бир-бирларидан ўзишга мусобақа қилишади. Телевидение ва радио тинимсиз диний кўрсатув-эшиттиришлар бериб боради.

ҲИНДИСТОНДА

Юз миллиондан ортиқ мусулмон яшайдиган Ҳиндистонда Рамазон масжидларни тозалаш, тартибга келтириш билан бошланади. Бунда ҳатто мусулмон бўлмаганлар ҳам ёрдамга келади. Ҳилол кўриниши билан тўплардан олти марта ўқ узилади. Ҳар бир шаҳардаги ифторлик ва саҳарлик вақтини радио такрор-такрор эълон қилиб туради.

Бу ойда ғайримуслим ҳиндлар гўшт егани мусулмонларнинг ошхоналарига келишади. Чунки ҳинд ошхоналарида гўшт пиширилмайди. Ҳинд емакхоналарида рўза ҳурматидан кундузлари емакхоналар деразасига парда тутиб қўйишади. Охириги ўн кунликда масжидларда эътикоф, ибодат, зикр, тафаккур чўққисига чиқади. Давлат жума ва ҳайит намозларига бориш учун мусулмонларга махсус бепул автобуслар ажратади.

ЖАНУБИЙ АФРИҚОДА

Бу ўлкада ҳаво ниҳоятда иссиқ бўлишига қарамай, мусулмонлар рўзани ажиб ихлос ва кучли бир иштиёқ билан тутишади. Улар Рамазон ойида эрталабдан тушгача ишлашади, кейин масжидда пешин намозини адо этишади, мавъизалар тинглашади. Асп намозини ўқиб, уйга тарқалишади. Оқшомни уйда ўтказиб, ифтордан сўнг таровеҳ намозига чиқишади. Бошқа дин вакиллари рамазон ҳурматидан мусулмонлар олдида еб-ичишдан тийилишади. Ҳайит кунини ҳамма бир-бириникига меҳмонга боради, келганларга одатда мева ва ширинликлар инъом этилади.

СЕНЕГАЛДА

Ғарбий Африқодаги ўн миллионли Сенегалда Рамазон ойида масжидларда маърифий суҳбатлар, тафсир, ҳадис, фикҳ дарслари ўтказилади. Телевидение ифтор пайтлари иймон ва ҳидоятга чорловчи алоҳида кўрсатувлар намойиш этади. Кўчаларда кўнгилилар одамларни кечаларни ибодат билан ўтказишга ташвиқ қилиб юришади. Ифторлик ва саҳарликда энг кўп ейиладиган таомлар гурунч, гўшт, зайтун мойи ва балиқ. Хурмо билан оғиз очишади. Рамазон ойи кирганини кўчалардаги ошхона ва қаҳвахоналарнинг тақа-тақ беркилишидан билса бўлади.



БУ ЖАВРАБГА МАСҲ ТОРТИШ МУМКИН!

Мусулмонларнинг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди, улар таҳорат олишда катта қулайликка эга бўлишди. Туркиянинг “Eshel Textil” корхонаси буюртмасига кўра Олмония мутахассислари замонавий жавраб – “Eshel mest” (пайпоқ-махси)нинг янги намуналарини ишлаб чиқара бошлади. Уларга мазҳабимиз талабларига биноан бемалол масҳ тортса бўлади

МАСАЛАНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Исломи динидаги барча ибодатлар покланган, таҳорат олинган ва ғул қилинган ҳолда адо этилади. Таҳорат олишда, айниқса оёқларни ювишда икклими ўта иссиқ ёки ўта совуқ минтақаларда яшовчи мусулмонларнинг маълум қийинчиликларга дуч келишлари кўп кузатилган. Шу боис Исломи шариати оёқни ёпиб турувчи ва шаръий талабларга жавоб берувчи маҳси ва жавраб каби оёқ кийимларига масҳ тортишга ихозат берган. Масҳ – Роббимизнинг чексиз раҳматини, Исломининг барча замон ва маконларга мувофиқ келувчи ягона дин эканини кўрсатувчи энг ёрқин далиллардан биридир. Масҳ – имкониятларимиз чекланган вазиятларда ечимлар топиб, ибодат қилишимизни осонлаштирувчи буюк бир неъматдир. Афсуски, ундан етарли даражада фойдаланилмаётир.

Теридан қилинган, қора рангли, занжир тугмали («замок»ли) маҳсилар бугунги кун мусулмонларининг талабларига тўлиқ жавоб бера олмаётир. Маҳсиларнинг асосан теридан қилингани бир қатор ноқулайликлар (камчиликлар) келтириб чиқаради. Масалан, оёқларни терлатади, совуқдан ҳимоя қилмайди, кундалик кийимларга мос тушмайди, кўпол ва қалин бўлгани учун каттароқ ўлчамли пойфазал билангина кийиш мумкин, чунки оёққа ёпишиб турмайди (тўлиқ ўтирмайди). Натижада одамларда «Фақат чарм маҳсилар кийишга маҳкумизми? Бунинг бир муқобили йўқми?» деган саволлар вужудга келмоқда.

Масҳ тортишнинг ҳукмини озми-кўпми ўрганганлар чарм маҳсиларнинг устига масҳ тортиш жоиз бўлганидек, сув ўтказмайдиган материалдан, масалан кигиздан қилинган қалин пайпоқларга ҳам масҳ тортиш мумкинлигини биладилар. Бироқ, китобларда таърифланган шаклдаги, бугунги ҳаётимиз шартларига уйғун бўлган ана шундай муайян бир оёқ кийими ҳанузгача оммавий равишда ишлаб чиқарилмаган эди. Шу боис, дунёнинг ҳали у, ҳали бу ерида мусулмонларнинг бундай оёқ кийимига эҳтиёжи ортиб бораётгани сабабидан замонавий юпқа пайпоқларга ҳам масҳ тортиш мумкинлиги ҳақидаги «ижтиҳод»лар пайдо бўлдики, бу нарса мусулмонлар ўртасида турли ихтилофлар, тушунмовчиликларнинг урчиб кетишига сабаб бўлди. Бир тоифа мусулмонлар маҳси ва жаврабдан бошқа оддий нейлон ва юпқа пайпоқларга масҳ тортиш шариатга зид бўлгани боис бу ишдан четда туришган бўлса, бошқа бир тоифа «оддий пайпоқларга ҳам масҳ тортиш мумкин» деган «фатво»ларга суяниб, таҳоратнинг комиллигига путур етишига бепарво бўлишди.

ЕЧИМ – ЗАМОНАВИЙ МАҲСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ихтилофлар. Сабаблар. Ечимлар» китобидан: «Пайпоққа ҳеч қандай қайдсиз масҳ тортиш жоиз», деганлар ўзларининг бу ҳукмларининг сабаби сифатида кишиларга енгиллик яратиш ниятини келтирадилар. Уларнинг фикрича, иссиқ ўта кучли ўлкаларда, ёз чилласида ҳам юпқа нейлон пайпоқни ечиб, оёқни ювиб таҳорат қилиш машаққатдир. Одамлардан бу машаққатни аритиш шариатнинг талабидир.

Қачон пайпоққа масҳ тортиш ҳақида сўз кетса, беихтиёр бир устоз билан унинг шогирдлари орасида бўлиб ўтган сўхбат ёдимга тушади. Ўшанда иссиқ ўлкаларда яшовчи баъзи кишилар пайпоққа масҳ тортиш жоиз деб айтаётгани, буни қандай тушуниш мумкинлиги ҳақидаги саволга устоз қўйидагича жавоб берган эди: «Сиз айтган иссиқ ўлкада, иссиқ сабабидан, оёқни тез-тез ювиб туриш фойдалидир. Бу ҳақиқатни табиблар ҳам таъкидлашади. Пайпоққа масҳ тортишга рухсат берган ўша кимсаларга қойил

қолмадим. Менимча, ўша одамлар бу гапни айтмаганлари яхши эди...» Мазкур устоз бу борада кўюниб яна бир қанча гапларни айтган эдилар. Бу – масаланинг бир тарафи.

Энди масаланинг иккинчи тарафига ўтайлик. Бу – совуқ туфайли, одамлар совқотиб қолмасин деб, пайпоққа масҳ тортишга рухсат беришдир. Муҳаммад Жамолуддин Қосимий ҳам, бизнинг «мужтаҳид»имиз ҳам ана ўша тоифага мансубдирлар. Улар одамлар совуқда қийналишлари, турли беморликларга чалинишлари мумкинлиги туфайли «бугунги кундаги пайпоқларга масҳ тортиш жоиз» деган фатво нихоятда зарурлигини таъкидлайдилар. Бу мақсадга етиш учун, юқорида кўриб ўтганимиздек, турли «ижтиҳод»ларни қиладилар. Улар бу борада Исломи умматининг зубдаси бўлган, асрлар оша миллатнинг эъзозига сазовор бўлиб келаётган ҳақиқий мужтаҳид уламоларга хатокорлик нисбатини бериш орқали туҳмат қилишни ўзларига раво қўрадилар...

Мисол учун, ўзимиз баҳс қиладиган, ибодатимизга боғлиқ бўлган, бошимизни қотириб, орамизда ихтилоф чиқариб турган, баъзиларимизни аввалги ва ҳозирги барча уламоларга хилоф қилиб, «Ҳар қандай пайпоққа масҳ тортса, бўлади» дейишгача олиб бораётган масалани олайлик. Маҳси ёки унинг ўрнига ўтадиган оёқ кийимига масҳ тортиш жоизлигига етарли ҳужжат ва далил бор, бу ҳеч ким ихтилоф қилмаган иш. Қиши совуқ бўладиган юртларда оёқни иссиқ тутиш – муҳим иш. Совуқда таҳорат қилган киши оёқни ювишда тангликка учраши ҳам бор нарса. Демак, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо – шундай ҳолатларда одамларни таҳорат қилишда оёқни ювишдан озод қилиш. Бизга муҳолиф тараф бу муаммони номи пайпоқ бўлса, ўшанга масҳ тортишга рухсат бериш билан ҳал қилмоқчи. Бу билан улар хатарли ихтилоф кўзгаб, барча мўътабар фикрчи мазҳабларга тамоман зид ва ўта шубҳали, хатарли йўлни тутмоқдалар.

Шу ўринда «наҳотки бу муаммони ҳал қилиш учун кўпчиликнинг фикрича нотўғри ҳисобланмиш ишдан бошқа чоралиқ бўлмаса?» деган ҳақли савол пайдо бўлади. Албатта, илож бор. Бўлганда ҳам, осон иложи бор: таҳоратда оёқни ювмай масҳ тортиш учун оёқ кийимини шариат талабига мослаш. Авваллари бу иш яхши йўлга қўйилган. Бизда ҳам одамлар шунинг учун қишда маҳси ва этик кийишган. Яқин-яқинда ҳам, этик кийган одамларга қулайлик яратиш мақсадида масжидларда этик устидан кийиладиган халтачага ўхшаш пайпоқлар бўларди. Этикли одам масжидга киришдан олдин этигининг устидан ўша пайпоқни кийиб олар эди. Ҳозирда ҳам маҳси кийган кишилар оёқлари қизиб кетса ҳам ечмай, унга масҳ тортиб юришибди.

Аммо замона урфига мос келмагани учун баъзи кишилар маҳси кийишни ўзларига эп кўришмаяпти. Агар гап шунга бориб тақаладиган бўлса, ўшандай кишиларга ҳозирги даврга мос бўлган, шу билан бирга масҳ тортса ҳам бўладиган оёқ кийими керак. Шундай оёқ кийимини тайёрлаш билан иш битади. Аслида, бу каби оёқ кийимини ўзимизнинг пойфазалчи усталаримиз, сааноатчиларимиз тайёрлашлари керак. Одамларнинг ҳавасини келтирадиган, намоз ўқимайдиганлар ҳам, таҳорат қилмайдиганлар ҳам қулайлиги учун излаб юриб киядиган, ҳаммага урф бўлиб кетадиган маҳсулотлар тайёрлашлари керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ўзимиздан бошқаларга буюртма бериб бўлса ҳам мазкур оёқ кийимини тайёрлатишимиз лозим бўлади. Агар буни ҳам қилмасак ўзимиз қийналишимиз ёки динимиз амри бўлган ишга, яъни таҳоратга, покланишга нуқсон етказишимиз тайин бўлиб қолади. Бундан Аллоҳ асрасин!

ЖАВРАБ ЎЗИ НИМА?

Энг олдин жавраб ўзи нима экани, унинг луғавий маъноси ҳақида сўз юритаёйлик. Ёш олимлардан Аброр Мухтор Алиининг "Жавраб нима?" мақоласида шундай маълумотлар келтирилади: "Абул Файз Муртазо Зубайдий бундай дейди: "Жавраб" сўзи луғатда оёқни ўраб турувчи нарсани англатади. "Жавраб" араб тилига форсчадан кирган, унинг асли "гўри по"дир". "Қомусул-Муҳит" муаллифи Маждуддин Ферузободий: "Теридан, жундан, тукдан ёки бошқа ҳар қандай нарсалардан нафис ё қалин ҳолда тўқилган, оёқни ўраб турувчи нарса "жавраб" дейилади", деб ёзади. Демак, "жавраб"нинг русча-ўзбекча луғатларда "чулок", "носки" (пайпоқ) деб таржима қилиниши сўзнинг аслини эмас, кўча маъносини билдиради".

"Жавраб"нинг истилоҳий маъноси ҳақида Абдулҳай Лакнавийнинг "Шарҳул-Викоя"га ёзган ҳошиясида бундай дейилган: "Жавраб зич тўқилган бўлиши, яъни боғланмаса ҳам ўзи болдирда туриши ва ости теридан ёки ости-устига тери қопланган бўлиши керак. Агар жавраб бу сифатларда бўлмаса, Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) наздларида унга масҳ тортиш мумкин эмас. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ): жавраб зич тўқилган бўлса, унга масҳ тортиш мумкин, дейишган. Абу Ҳанифа умрлари охирида икки шогирдларининг гапига қайтганлар, фатво ҳам шунгадир. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ): "Агар жавраб қалин тўқилган бўлса, уни бемалол кийиб юриш мумкин. Шу жиҳатдан у маҳсига ўхшайди, унга масҳ тортиш жоиз", дейишган. Агар жавраб қалин тўқилмаган бўлса, икки Имом наздида унга масҳ тортиш жоиз эмас".

Аллома Алоуддин Косоний "Бадои'ус-санои'..." китобида бундай ёзади: "Уламоларнинг яқдил фикрига кўра, агар жавраб сув ўтадиган даражада юпка бўлса, унга масҳ тортиш мумкин эмас".

Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний фатвосидан: "Барча ғуҷаҳо ва муҷтаҳидлар сув сизиб ўтадиган, боғичи бўлмаса болдирдан туриб кетадиган, маълум масофагача кийиб юрилса йиртилиб кетадиган юпка жаврабларга масҳ тортиш жоиз эмаслигига иттифоқ қилишган. Бугун кийилаётган пайпоқларда масҳ тортиш мумкин бўлган хусусиятлар йўқ, яъни қалин, ости-устига тери қопланган эмас, шунинг учун уларга масҳ тортиб бўлмайди. Ким бугунги кунимизда кийилаётган пайпоқларга масҳ тортаётган бўлса, Имом Абу Ҳанифа, Имом Аҳмад ибн Ханбал, Имом Шофеъий, Имом Молик ибн Анас (раҳматуллоҳи алайҳим) ижтиҳодларига кўра, таҳоратли ҳисобланмайди".

Абул Ихлос Шурунбиллоий ва Абу Зайд Шиблийнинг "Нурул Изоҳ" китобида шундай ёзилган: "Маҳсига масҳ тортишнинг жоиз бўлиши учун қуйидаги еттита шарт бор:

1. Маҳси таҳорат қилиб, оёқлар ювилгандан сўнг кийилган бўлиши керак.
2. Маҳси оёқларни тўпиғи билан қўшиб ёпиши зарур.
3. Маҳси ўртача одимлаганда камида бир фарсах (тақрибан ўн икки минг қадам ёки олти км) бетўхтов йўл босишга имкон бериши лозим.
4. Маҳсининг тўпикдан пастки қисмида учта бармоқ сиғадиган йиртиғи бўлмаслиги керак.
5. Маҳсилар ҳеч қандай боғичсиз оёқда турадиган даражада қалин бўлиши зарур.
6. Маҳси оёққа сув ўтказмайдиган бўлиши керак.
7. Ҳар бир оёқнинг олд тарафида уч бармоқ миқдорида масҳ тортиладиган қисми бўлиши зарур. Оёғининг бармоқ тарафи йўқ киши тоvon тарафи бўлса ҳам маҳсига масҳ торта олмайди".

"ESHEL MEST" БАРЧА ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Табиий хомашёдан тайёрланган "Eshel mest" пайпоқ-маҳсилари Ислом шариатида маҳсига масҳ тортишда қўйилган юқоридаги барча талабларга жавоб беради. У табиий хомашёдан тайёрлангани учун киши оёғини терлатмайди, совуқдан асрайди, маҳсус таркиби туфайли терни ташқарига чиқаради, аммо асло сувни ичкарига ўтказмайди. Янги жавраб гигиеник жиҳатдан ҳам, эстетик жиҳатдан ҳам, қулайлиги жиҳатидан ҳам барчага маъқул бўлиши аниқ. Янги жавраб фикҳий тарафдан маҳсида бўлиши керак бўлган барча хусусиятларга эга. У сувни ўтказмайди, уни кийган ҳолда олти чақирим йўл босилиб ва яна шунча тренажерда юрилганида ҳам ҳеч нарсаси бўлмаган, ўзини қўйсангиз тик ҳолда туради, маҳсус боғичи

туфайли болдирдан туриб кетмайди ва ҳоказо. Шундан кўриниб турибдики, "Eshel mest" жавраблари, яъни пайпоқ-маҳсиси барча шаръий талабларга жавоб бергани учун уларга ҳеч бир шубҳасиз, беҳавотир масҳ тортса бўлади. Келинг, бир гуруҳ исломий илм аҳллариининг бу борадаги фикрларига қулоқ солайлик:

Проф. доктор Хайриддин Қахрамон: "Ишлаб чиқарувчи фирма бераётган маълумотлар ва хусусан маҳси-пайпоқ ("Eshel mest" жавраби) устида ўтказган тадқиқотларим натижасида бу пайпоқлар устига Ҳанафий мазҳабига кўра масҳ тортиш жоиз эканига ишонч ҳосил қилдим".

Аҳмад Қуружон: "Маҳсига масҳ тортиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда саҳобаи киромнинг феълий татбиқотлари билан собит бўлган. Бирок, қандай пойафзалнинг устига масҳ тортиш мумкинлиги масаласида турли уламолар ўзлари яшаган замон ва макон хусусиятларидан келиб чиқиб, турли таърифлар берганлар. Иттифоқ қилинган умумий фикр шуки, масҳ тортса бўладиган пойабзал оёқнинг таҳорат пайтида ювилиши керак бўлган қисмларини ёпиб турадиган, сув ўтказмайдиган, ерга қўйилса ўзи тик тура оладиган, тахминан олти километр масофага пиёда юрса бўладиган даражада пишиқ ва пухта материалдан тикилган бўлиши керак. "Eshel mest" маҳсисига (жаврабига) шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу шартларнинг барчаси бажарилган. Бинобарин, бу пайпоқ-маҳси ҳарқалай, ташқи кўринишдан оддий пайпоқдан фарқ қилмайди, маҳсига қўйилган шартларнинг барчасига жавоб бергани учун унинг устига масҳ тортишга ҳеч бир тўсқинлик йўқ".

Проф. доктор Ҳамди Дўндурен: "Маҳсига масҳ тортиш Ислонинг мусулмонларга берган бир қулайлиги, руҳсатидир. Маҳсилик хусусиятига эга бўлган пайпоққа масҳ тортиш эса яна бир енгилликдир. Айниқса совуқ иқлимли ўлкаларда яшовчи мусулмонлар киядиган қалин, кигизсимон, ичи кўринмайдиган, сув ўтказмайдиган пайпоқлардан маҳси сифатида фойдаланиши мумкин".

Аҳмад Шоҳин: "Қуйидаги икки хусусият масҳ тортиладиган пайпоқда (жавробда) бўлиши шарт: Биринчи – пайпоқ (жавраб) оёқдан ечилиб кетмай, ўзи турадиган даражада қалин бўлиши шарт. Иккинчи – масҳ қилинадиган сувни (масҳ тортилганда теккан ҳўлни, намликни) ичига ўтказмайдиган даражада қалин, зич тўқилган бўлиши шарт. Мана шу икки шартга жавоб берган "Eshel mest" маҳси- пайпоғига (жаврабига) масҳ тортиш мумкин.

Муҳаммад Поксуб: «Инонч ва ибодат илми ҳоли» китобимизнинг «Маҳсилар устига масҳ тортиш» бўлимида қуйидаги маълумот берилган эди: «Пайпоққа масҳ тортиш мумкинми?». «Пайпоқ жинсидан бўлган нарса масҳ тортишга яроқли бўлиши учун кийилган пайтидан бошлаб 12 минг қадам ва ундан ортиқ пиёда юрганда йиртилмайдиган даражада қалин ва пишиқ бўлиши шарт. Бу мезонга тўғри келмайдиган пайпоққа масҳ тортилмайди. Демак, масҳ жоиз бўлмагани учун бундай пайпоқда олинган таҳорат ҳам чала бўлади» (203-бет). "Eshel mest" мутасаддиларидан «Сиз ишлаб чиқарган бу пайпоқ оддий йўлда 12 минг қадам пиёда юришга чидайди?» деб сўрадим. Улар «Бундан кўпроғига ҳам чидайди» дейишди. Шунда «Бу маҳсулотдан маҳси сифатида фойдаланиш мумкин экан», деган фикрга келдим".

Ваҳби Ваққосўғли: "Масҳ тортса бўладиган пайпоқ-маҳси гўзал ва фойдали янгиликдир. Ҳисса қўшган ҳар бир кишини табриклаймиз. Дуоларимда эслаймиз".

Сайди Қахрамон: "Ислон мусулмонларга бир қатор мажбурият ва масъулиятлар юклаб, бунинг баробарида ушбу буйруқларни адо этишда турли енгилликлар яратиб берган. Таҳоратда маҳсидан фойдаланиш ана шундай қулайликлардан биридир. Маҳсига масҳ тортиш шартлари фикҳ китобларимизда баён қилиб берилган. Уларга кўра маҳси тери ва шунга ўхшаш материаллардан тайёрланади. Фикҳий шартларга жавоб бера олган ҳар қандай оёқ кийими-га, шунингдек, пайпоққа ҳам масҳ тортиш жоиз бўлади. "Eshel mest" жуда қулай маҳси сифатида фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган. Кўплаб инсонларнинг ибодати учун, таҳорати учун қулайлик имкониятини яратиб берган "Eshel Textil" корхонасини табриклаймиз, муваффақиятларининг давомий бўлишини тилаймиз".

(Фикрлар Мармара университети Илоҳиёт факультети, Ташвиқия ва Шишли марказий жомеаларида ёзиб олинган)

ОДДИЙ ОДАМНИНГ ЎЛИМИ

ЭНГ
АЧЧИҚ
НЕЪМАТ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

Бугун маҳалла алланечук безовта уйғонди. Аввал ҳаммаёқ сирли сукутда турди. Кейин эркак кишининг ўкраб-ўкраб йиғлагани эшитилди. Унга аёлнинг уввоси қўшилди: "Вой отам, вой отам, дунёга келиб рўшнолик кўрмаган ота-а-м..."

Маҳалла аҳли йиғи қаёқдан келаётганини билолмай, бирдан саросимада қолди. Кимдир маҳалладаги беморларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди. Кексалар юзига фотиҳа тортишди. Бесабрроқлар ўй суриб ўтирмай, чопонни елкага ташлаб, азадорларга кўмак учун кўчага отилди.

Йиғи Оддий одамнинг мўъжазгина ҳовлисидан чиқаётган эди. Унинг ёлғиз ўғли ҳовлидаги занг босган темир каравотда бошини чангаллаб, бўкириб йиғлайди. Ора-сира "Яқинда ҳам бир чиройли гаплашиб ўтирувдилар-а", деб бошини сарак-сарак қилади. Нарироқда хотини кичкина қизини кучоғига олиб, саннаб йиғи солади.

Бир пасда ҳовли одамга тўлди. Кимдир азачиларга тасалли берди, бошқаси у ёқ-бу ёққа хабарчи жўнатди. Баъзилар нима қилишларини билолмай, ҳовли юзидан бир оз серрайиб туришди, кейин секингина юзларига қўл тортиб, кўчага чиқишди.

Таъзияга келганлар эшик олдида турнақатор бўлиб кутишарди. Кўпчилик бошини солинтириб ўйга чўмган ёки сўзсиз бир нуқтага тикилганча қотган. Айримлар паст овозда марҳумнинг фазилатларини, эзгу ишларини эслаб, оҳиста сўхбатга киришди.

Уч-тўрт кишини истисно қилганда, маҳалла аҳли Оддий одамни унча хуш кўрмаслигини ҳамма билади. У ҳам одамларга кўпда аралашавермайди. Шунинг учун ҳозир бу ерга келганларнинг кўпчилиги Оддий одамнинг вафотига астойдил қайғураётгандай туюлса ҳам, аслида инсонийлик бурчини ўташ учунгина йиғилгани тўғрироқ эди. Пиллакорлар каллаклар кетган марварид тутнинг яйдоқ танасига, гувала девор устида басмабасга ку-кулаётган мусичаларга, бурни оқиб кетганига парво қилмай, тўпланганларга анқайиб қараётган болакайга термулиб турган одамларнинг миясида тезроқ жанозани тугатиб, марҳумни ерга қўйиш фикри чарх уради.

Бир оёғини судраб босадиган каммурт ғассол ўтирганларга салом бериб, ичкарига кириб кетди. Ёни-

га икки-уч кишини ёрдамга чақириб, марҳумни ювишга тушди. Тезда уни кафанлаб, тобутга солишди. Устидан малла чойшабни ёпиб, қўлма-қўл қилишганича кўча бошида тўхтаб турган машинага қараб юришди. Йўлма-йўл марҳумни кузатувчилар сони ортиб борар, вақти зикроқлар юзига қўлини сийпаб, машиналар карвонини хомуш кузатиб қолар эди. Ниҳоят, қабристонга етиб келишди. Тобут яна одамлар устидан сузиб, қабр бошига етди. Марҳумнинг ўғли қабрга тушишга юраги бетламади. Дадасининг бир тенгдоши қўядиган бўлди. Қабр тепасида беш-олти ёш-яланг қолган. Бошқалар у ер-бу ерга чўкиб, кўмиш маросимини жимгина кузатишяпти. Улар атрофга аланглашади, дўппайган қабрларга кўз қирини ташлаб, юраклари зирқирайди. Ниҳоят, кетмон ва белкураклар ишга тушиб, қабрни тўлдиришга киришди. Ками-кўстини чўққисоқол гўрков чол тузатди. Ҳаммалари ўтириб, масжид имомининг тиловатига қулоқ солишди. У тугатгач, марҳумнинг руҳига фотиҳа ўқилди.

Урфга кўра қариялардан бири ўрнидан туриб, бир қўлини кўтарганча тўпланганларга мурожаат қилди:

– Биродарлар, марҳум қандоқ одам эди?


Бир сониялик сукунат чўкди. Айримларга у жуда узоқ давом этгандай туюлди. Чунки Оддий одамнинг саксон йиллик умрига ҳамюртлари баҳо бераётган эди. Ун беш чоғли одам бараварига қайтарди:

– Марҳум яхши одам эди, Аллоҳ таоло ўз раҳматида олсин.

Марҳумнинг ўғли елкасидан тоғ ағдарилгандай бир тебраниб олди. Халқ марҳумлар ҳақида ҳеч қачон ёмон сўз айтмайди, гуноҳ ва нуқсонларини эсламасликка тиришади. Чунки инсоннинг бу ёруғ дунёда қандоқ яшашига, унинг қувонч ва ғамига, кулгу ва йиғисига, эзгулиги ва ёвузлигига – ҳаммасига хотима қўйиляпти. Шу боис энди уни сўроққа тутиш, унинг ҳаётига баҳо бериш – Аллоҳ таолонинг ихтиёрида. Унинг туғилганидан то ҳаётдан кўз юмгунича кечирган кунларидаги ишлари ва қилмишлари – бари ҳисоб-китоб қилинади, буларга яраша ажр ва жазо олади. Фақат инсонлар ўлим ҳақида кам ўйлайдилар. Хиёнатлар, ёвузликлар, ифлосликлар учун эртага жавоб бериш кераклиги тўғрисида унча бош қотирмайдилар. Қизиқ, жуда қизиқ...

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

Аҳмад МУҲАММАД
(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9-сонларда)



«Учтака» билан муносабатларимиз хийла мураккаблашиб қолди. У энди мен билан аввалгидай жўшиб-қайнаб гаплашмас, жуда зарурат туғилгандагина ул-бул сўраб қўярди. У нураган деворларни ҳафсала билан сувоқдан чиқарар экан, гоҳида ўғлига бирорта юмушни буюриб қўяр, бошқа пайт оғзига талқон солгандай «миқ» этмасди. У мен билан тил топиша олмаганидан, намозга тортишнинг иложини қилолмаганидан хафа эди, назаримда. Мен эса унга таслим бўлишни, асло қизиғи ва фойдаси бўлмаган намоз ўқишни ҳаёлимга ҳам келтирмаётган эдим.

Инсон ўзи ажойиб яралган экан. Биров ҳаммани ўзига ўхшатишни, барчани бир қолипга солишни истайди. Бошқаси эса буни ўз эрки ва ҳурриятига тажовуз деб билади. Оқибатда аввал одамлар ўртасида, кейин бутун жамиятда ихтилоф-келишмовчиликлар пайдо бўлади. Булар бора-бора кучайиб, давлатлар, қиъалар ўртасидаги тўқнашувларга айланиб кетади. Урушлар, вайронгарчиликлар, қатлиомлар бошланади.

«Учтака» ҳам менинг эрким-ихтиёримга ҳужумга ўтган эди. Унинг ҳўмрайган қатъий нигоҳига, зардасини яширишга уринавериб қизариб-бўғриқиб кетган юзига тикилар эканман, нималарнидир ўқмоқчи бўламан. Бироқ у мени кўрмаётгандай, ҳатто борлигимни сезмаётгандай қиё ҳам боқмайди. Гапига кирмаганим, шунча кўйиб-пишиб келтирган далил-исботларига ҳатто қизиқиб ҳам қўймаганим «Учтака»нинг иззат-нафсига тегиб бўлган. Аммо у буни ташига чиқармас, ҳуноблигининг аламини ишдан олар эди.

Азалдан уста каби ўзини художўй, тақводор қилиб кўрсатадиган одамларни жиним сўймайди. Бундайлар ўзини жа бошқача – покдомон, Худонинг розилигини топиб олган, жаннатга кириши кафолатлаб қўйилган кишидай тутати. Замонавий, динга бепарвороқ одамларни кўришса аллақандай истехзо ёки ачиниш аралаш, тушуниб бўлмайдиган кайфиятга тушишади. Гўё ўзлари ҳақу бошқалар ноҳақ. Гўё улар тўғри йўлдаю бошқалар адашиб, улоқиб, гуноҳларга бо-

тиб юргандай. Улар биздақаларнинг ҳар бир қилиғи ва ҳаракатидан нуқсон-камчилик топишади. Ҳар бир ишимиз, гапимиз уларнинг ғашига тегади. Назаримда, дунёқараши торлиги, ҳаётни тушунмагани, замондан орқада қолиб кетгани учун шундай бўлса керак?!

Бундай одамларга дин нима учун зарур бўлиб қолганини ҳеч тушуна олмайман. У сенга бирор фойда келтирмаса?! Қорнингни тўйдирмаса ёки танангга кийим бўла олмаса? Жамият ривожига-ку дин ҳамиша тўғаноқ бўлиб келган. Ҳар қандай янгиликка, илм-фан кашфиётларига тиш-тирноғи билан қарши бўлган. Аёлларнинг ҳуқуқини чеклаб, кўчага ҳам чиқармай қўйган. Одамларни жаҳолатга, мутаассибликка бошлаган.

Инсоннинг эркини бўғиш, ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишда ҳам дин ҳамиша айбдор бўлиб келган. У ҳар қадамда, ҳар жабҳада ҳурриятингга чанг солади. Сени бир қолип ичида, қандайдир ахлоқ меъёрларига бўйсундириб, қулликда ушлашга ҳаракат қилади. Айтишларига қараганда, барча динлар, жумладан Ислом ҳам оилавий ҳаётга, эр-хотин ва фарзанд муносабатларига бемалол аралашар эмиш. Совет даврида яшаб, унинг таълимини олган ота-онам ҳам, улар тарбиясида улғайган мен ҳам динни хуш кўрмаслигимиз сабабларидан бири шу эди.

«Учтака»га ўхшаганлар бош кўтарган даврда биздақаларга айниқса қийин бўлди. Бирор ишга ботинмайдиган, нимага қўл урсак кўрқадиган бўлиб қолдик. Ресторанга кирсанг, улфатлар билан базм қилсанг, қизлар билан танса тушсанг ҳам «учтака»лар кўкариб қолади: бу ишлар гўё қаттиқ гуноҳ эмиш. Кино, концертга тушсанг ҳам бундайлар дод-вой солади: буларнинг бари «шайтон ўйини» эмиш, томоша қилса ёмон бўлар эмиш. Тўйингга ароқ тортсанг ҳам, артист айтсанг ҳам балого қоласан: бу билан ахлоқни оёқ ости қилаётган эмишимиз. Ўғил-қизингни замонавий, модага мослаб кийинишини ҳам кўролмайдилар: «миллат хароб бўлаётир, минг йиллик қадриятлар унутилаётир», деб айюҳаннос солади. Бадавлатроқ, обрўлироқ бирор киши меҳмонга чорласа ҳам уларга ёқмайди: у пулни ҳаром йўллар билан топган эмиш, дастурхонидан ҳатто ушоқ ейиш ҳам мумкин эмасмиш.

Яхшиямки уларнинг замони узоққа бормади, йўқса еяётган овқатинг у кийган кийимингдан ҳам, юриш-туришинг чекаётган попирисингдан ҳам айб-гуноҳ топаверишга йўл беришмасди. Одамга ўхшаб кун кўришдан чеклаб ташлашарди.

Бунинг устига улар ўлгудай сурбет, канадай ёпишқоқ, ҳамма нарсага бурнини тикаверадиган илашқоқ эканини айтмайсизми? Худди қилни қирқ ёрувчи терговчилардай ҳар бир ҳатти-ҳаракатингиздан, гап-сўзингиздан динга қарши бирор далил топишади. Арзимаган қилмишингиз туфайли сиз билан ёвлашди. Бир гал биттасига «Пайғамбаринглар ҳам роса шўх ўтган эканлар-да, тўққизта хотинлари бўлган экан-ку», дедими балого қолдим. У аввалига Муҳаммаднинг

(алайҳиссалом) менинг ҳам, унинг ҳам, бутун инсониятнинг пайғамбари эканини куйиб-пишиб тушунтирди. Кейин эса у кишининг кўп уйланишлари Ислом душманларининг иддаоларига, таъна-маломатларига қарши ўлароқ кўпгина ҳикматлари, сабаблари бўлган илоҳий бир амр экани ҳақида ярим соатча ваъз ўқиб, роса бошимни қотирди. «Бўлди, бир айтдим-қўйдимда, яқинда бир китобда шундоқ ёзилганини ўқиб қолувдим», деб аранг қутулдим.

Яқинда яна биттаси билан тортишиб қолдик. У гапимни рад қилиб, ҳомиланинг ўғил-қиз бўлишини ва қачон ёмғир ёғишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билолмайди, деб туриб олди. Мен эса ҳозирги тиббиёт жуда илгарилаб кетганини, ҳомиланинг жинси уёқда турсин, унинг она бачадонида қандай ривожланаётганини билдириб турадиган махсус асбоблар борлигини тушунтиришга киришдим. У эса икки қўлини қўлтиғига тикқан кўйи безрайганича тиржайиб, истехзо билан қараб тураверди. Кейин унга қачон ва қаерда ёмғир ёғишини об-ҳаво идоралари бир неча кун олдиндан айтиб бера олишини исботлашга уриндим. Аммо шунда ҳам унинг истехзоли юзи ўзгармади.


Унинг бу сохта хотиржамлиги баттар жинимни кўзғади. Башарасига тупуриб юборай дедим. Бироз вақт ўтиб, ҳаяжоним хийла босилганини кўрган ғанимим замонавий тиб асбоблари ҳомила бир неча ҳафталик бўлиб, инсон қиёфасида тўла шаклланиб бўлганидан кейингина унинг жинсини аниқлай олишини, бунгача унинг ўғил-қиз бўлиши, қачон туғилиши, у қандай киши бўлиб улғайиши, дунёдаги ҳаёти қандай кечиши, қачон вафот этишини ёлғиз Худодан ўзга ҳеч ким билмаслигини эринмай тушунтирди. Унинг гапларини сиртимда тан олмаётгандай турсам ҳам, аммо уларда жон борлиги сабабидан инкор қилишга маънилироқ асос топа олмас эдим.

Муҳолифим иккинчи далилларимни ҳам илмий исботлар билан яқсон қилиб ташлади. Об-ҳаво идоралари жуда кўп кузатув-тажрибаларга суянса ҳам ёгин қачон ва қай миқдорда ёғишини олдиндан айтиб бера олмаслигини, агар уларнинг айтгани баъзан тўғри чиқиб қолсаям бу ғирт тасодиф эканини тушунтириб берганида, гапнинг рости ўзим ҳам довдираб қолдим.

Аммо унга таслим бўлишга ор қилар эдим. У кетмакет Қуръондан иқтибослар келтириб, илм-фан кашфиётлари ўн беш аср илгари унда айтиб қўйилганини исботлаб, мени пайдар-пай мот қила бошласа ҳам қайсарлигим тутиб тан олмай туравердим. Ниҳоят муҳолифим гап ўқдиrolмаслигини сездими ё гапи тугаб қолдими, ҳафсаласи пир бўлиб қўлини бир силкидию: «Аллоҳнинг Ўзи қалбингни очсин», деб жўнаворди.

Бир неча кундан буён мени динга тарғиб қилиб, намоз ўқишга чорлаб ҳеч иш чиқара олмаган, фикримни ўзгартиролмай ниҳоят мулоқотни йиғиштириб қўйган уста ҳам ана шундай ғоявий муҳолифимлардан бири эди. У менга Исломнинг ҳақ дин эканини қанчалик тушунтирмасин, эътиқоди бузуқ одамни охиратда чидаб бўлмас азоб-қийноқлар қутаётгани билан қанчалик қўрқитмасин, унинг гаплари тошга томган сув каби менга асло қор қилмаётган эди.

«Учтака» ҳам қўлини юйиб қўлтиғига урган шекилли, ортиқча мен билан иши бўлмай қолди. Фақат бир гал чой узатганимда юзимга қарамай, «Аллоҳнинг Ўзи ҳидоят ато этсин», деб пичирлаётганини эшитиб қолдим. «Ҳидоят» деган сўзнинг маъносини эса мутлақо билмас эдим.



ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

NEGA NAMOZ O'QILADI?

TO'QQIZINCHI SABOQ

Assalomu alaykum, mening jajji kichkintoylarim! Bugun sizlarga qiziq bir savol bermoqchiman. Diqqat bilan quloq solib turing. Alloh o'zi yaratgan yer yuzidagi jamiki hayvonlar va qushlarga, hasharotlar va dengizdagi jonvorlarga, odamlar va jinlarga, xullas, barcha maxluqlarga rizq, ya'ni ovqat-yemishlar berib qo'ygan. Biror maxluqni och qo'ymagan. Ular ham Alloh taoloning ana shu bergan ne'matlariga javoban o'z mevalarini Alloh buyurganiday o'zlari yemay, insonga taqdim qilishadi. Masalan, sigir ko'kat va yemlarni yeb, evaziga sut beradi, undan qatiq, qaymoqlar, sariyog' va pishloqlar olinadi. Tovuq tuxum beradi, asalari asal, qo'y-echkilar sut, jun, go'sht, pilla qurti ipak, dengizlar baliq beradi. Hatto daraxtlar ham Alloh yog'dirgan yomg'irdan, nur sochib turgan quyoshdan oziqlanib, evaziga shirindan-shakar mevalar tortiq qiladi.

Ana shu sut-qatiqlarni ichib, go'shtlarni yeb, ipak va jundan to'qilgan kiyimlarni kiyib, tuxum va asalni mazza qilib iste'mol qilib, mevalarning eng sarxillarini tanovul qilib yuradigan insonlar buning evaziga nima berishadi? Nima qilishsa ana shu bergan ne'matlari uchun Alloh taoloni mamnun, xursand qilishadi? Axir birorta odam boshqa birovga shuncha ovqat-ne'matlarni tekinga berib qo'ymaydi. Inson ana shu qarzni qanday qilib uzishi mumkin?

Ana shu savollarni sizlarga bermoqchi edim. Javob topishga qiynalyapsizmi? Mayli, javobini o'zim aytib qo'yaqolay, Alloh taoloning barcha bergan ne'matlari uchun, bizni sog'-salomat, xotirjam, baxtli qilib qo'ygani uchun faqat bir narsa bilan – ibodat, ya'ni namoz o'qish, ro'za tutish bilan Allohga minnatdorchilik bildirish mumkin, Allohga xizmat qilish bilan Uni rozi qilish, mamnun etish mumkin. Qolaversa, Alloh taoloning siz bilan bizlarni yaratishdan, insonlarga barcha jonzotlarni, oy-quyoshlarni xizmat qildirib qo'yishdan maqsadi ham bizning ibodat qilishimizni ko'rish edi, xolos. Biz Allohga qanchalik ibodat qilishni ko'paytirsak, U ham bizdan shunchalik xursand bo'laveradi. Oxirat dunyosidagi mukofotlarimizni ko'paytirib qo'yaveradi. Ana shu ibodatlarining eng ulug'i esa – namoz o'qish!

Namoz shunaqangi zarur, muhim ibodatki, agar namoz o'qimasangiz, hech kim sizni chin musulmon demaydi. Sigir qancha serqaymoq sutlar bermasin, asalari qancha toza asallarni bermasin, ipak qurti qancha ko'p ipak bermasin, baribir, ular aqlsiz hayvon. Alloh oxiratda ularga jannat ham va'da qilmagan, tiriltirmaydi ham. Beaqil bo'lgani uchun ulardan hech narsaning hisobini so'ramaydi ham. Insonga

aql berilgani uchun u endi barcha yegan-ichganlari, qilgan ishlari uchun oxiratda Allohning oldida imtihon topshiradi. Sinovdan yaxshi o'tsa jannatga kirib rohat-farog'atda bo'ladi. O'tolmasa, do'zaxga tushib, qiynoq-azoblarga duchor bo'ladi.

Inson ham hayvonlarga o'xshab indamay Alloh bergan toza ovqatlarni to'yib yesayu, evaziga hech narsa bermay yeb-ichib, uxlab, o'ynab-kulib yuraversa, uning ham hayvondan farqi qolmaydi-da, to'g'rimi?! U oshxona bilan hojatxona orasida chopaveradigan bir mashinaga aylanib qoladi-da! Shunday bo'lib qolmaslik uchun nima qilish kerak ekan? Ha, yashang, barcha ne'matlari va bergan umri uchun Allohga minnatdorchilik bildirishi, unga shukr deyishi kerak. Qaysi yo'l bilan shukr aytiladi? Ibodat bilan, namoz o'qish bilan!

Namoz juda ulug' ibodat, dedik. Janobi Payg'ambarimiz «Namoz – dinning ustuni, uni o'qimagan o'sha ustunni yiqitgan bo'ladi», deganlar. Namoz o'qimasak, dinimizning binosini buzgan bo'lamiz. O'sha tilsiz, yeb-uxlashdan boshqaga yaramaydigan hayvonlarga o'xshab qolamiz. Shuning uchun Islom dinimizda qiz bolalar 9 yoshdan, o'g'il bolalar 12 yoshdan namoz o'qishga buyuriladi. Bundan oldinroqdan ham aka-opalaringizdan namozni qanday o'qish kerakligini o'rganib tursangiz yomon bo'lmaydi. Kelgusi mashg'ulotimizda sizlarga namoz o'qishni o'rgatib qo'yaman, bo'ptimi, shirintoylarim?!



ИСЛОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР



ИСЛОМ ОЛАМИ КОНГРЕССИ

Жаҳондаги ўттиз олти мусулмон давлатлари вакилларини бирлаштирган халқаро Ислом ташкилоти ана шу ном билан аталади. ИОК 1926 йили Макка (Саудия Арабистон)да ташкил этилган. Ташкилотнинг доимий қароргоҳи Покистоннинг Карочи шаҳрига жойлашган. Унга ҳар йили ҳаж мавсумида тўпланадиган Олий Кенгаш раҳбарлик қилади. ИОК бир неча илмий-тадқиқот марказларига ҳам эга. Ташкилотнинг «Мусулмон олами» журнали ва «Ислом овози» радиостансияси бор.

ИСЛОМ ОЛАМИ УЮШМАСИ

Ислом Олами Уюшмаси (Робитаи Исломийя) – Халқаро Ислом ташкилотларидан саналади. Унга 1962 йили Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида асос солинган, қароргоҳи ҳам шу шаҳарда. ИОУнинг раҳбарий идораси Таъсис кенгаши ҳисобланади, унга турли мамлакатлардан олти нафар диний арбоб, шу жумладан шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад

Юсуф ҳазратлари ҳам кирган. Уюшма мажлислари йилига бир марта чақирилади. Бошқа пайтларда унинг Котибияти иш олиб боради. ИОУнинг турли мамлакатларда 16 та ваколатхонаси бор. Уюшманинг асосий эътибори Исломни тарғиб қилиш, масжидлар қурилишига кўмаклашиш, ҳаж ва умрани уюштиришга қаратилган.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ

Ислом Конференсияси Ташкилоти қошида 1973 йили ташкил этилган, 1975 йилдан расман иш бошлаган исломий банк номи. Қароргоҳи Жидда шаҳрида, банкка 57 мамлакат аҳзо бўлган, Работ (Марокаш), Куала-Лумпур (Малайзия) ва Олмаотада (Қозоғистон) учта ҳудудий қароргоҳи бор. Ислом динори (бир динор 1,4 АҚШ доллариға тенг) унинг пул бирлиги. Бугунги кунда банкнинг ҳиссадорлик сармояси номинал қиймати ўн минг ислом динориға тенг бўлган, умумий қиймати олти миллиард ислом динорини ташкил қилувчи 600 минг ҳисса (акция)дан иборат. Ислом тараққиёт банки Исломнинг асосий манбалари (Қуръон, Суннат, ижмоъ ва қиёс), мужтаҳид уламолар ишлаб чиққан фатво ва ҳукмларға таяниб иш кўради. Банкнинг асосий мақсади мусулмон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ёрдам кўрсатишдир. Исломда фоиз, рибо ҳаром бўлганидан банк ҳам, мижозлар ҳам фоизсиз иштирок этишади. Банк йилига берадиган ўн миллиардлаб қарзлар аъзо мамлакатларда инфратузилмалар ташкил этиш ва кенгайтириш, аралаш корхоналарни ва ташқи савдо битимларини сармоялаш, уларға техникавий ёрдам кўрсатиш каби мақсадларға йўналтирилади. Ўзбекистон ИТБга аъзо бўлган, банк Ўзбекистонда ҳам турли ижтимоий-иқтисодий ва маданий дастурларни амалға оширишға маблағ ажратмоқда. Саудия Арабистони, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби мамлакатлар банкнинг энг йирик пайчиларидир.

